БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ ВА ШАҲАР КОМИТЕТЛАРИ, МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ОБЛАСТЬ ВА ШАҲАР СОВЕТЛАРИНИНГ ОРГАНИ

6-ЙИЛ ЧИҚИШИ
№ 39 (1301)
20 ФЕВРАЛЬ
ЖУМА
1959 ЙИЛ
БАҲОСИ 20 ТИЙИН

Коммунистик қурилишнинг авж олдирилиши моддий неъматларнинг мўл-кўл бўлишини таъминлаш билан бир қаторда, маънавий маданиятнинг чинакам бойлигини, ҳамма кишиларнинг эҳтиёжларини тағин ҳам тўлиқроқ қондиришни, социалистик демократиянинг янада ривожланишини, коммунистик жамиятнинг онгли меҳнаткашларини тарбиялаб етиштиришни таъминлаши лозим.

(КПСС XXI съездининг резолюциясидан).

Сайловларни пухта тайёргарлик билан кутиб олайлик!

Ўзбекистон ССР Олий Совети ва маҳаллий Советлар сайловларига савақли кунлар қолмоқда. Серқуёш республикамизнинг барча область, шаҳар ва қишлоқларидагидек областимизда ҳам сайловолди тайёргарлик ишлари шу кунларда тобора кучайиб бормоқда.

КПСС XXI съездининг мамлакатимизда коммунизм жамияти қуришни авж олдиришга, халқимизнинг моддий ва маданий фаровонлигини юксалтириш, Ватанимизнинг қучқудратини янада оширишга қаратилган тарихий қарорларидан чексиз руҳланган мамлакатимизнинг ҳар бир оддий кишиси — ишчи, колхозчи-деҳқон, меҳнатсевар зиёли бутун мамлакат бўйлаб кенг қулоч отган социалистик мусобақада фаол қатнашиб, етти йилликда белгиланган порлоқ истиқбол режаларини тўла амалга ошириш учун курашга астойдил отланганлигини намойиш қилмоқда. Республика ва областимиз меҳнаткашлари сайловлар куни — 1 мартни меҳнатда муносиб совғалар билан кутиб олиш учун курашмоқда. Сайловларга тайёргарлик ишлари халқимизнинг сиёсий ва меҳнат ғайрати ниҳоятда ўсиб бораётган ана шундай тарихий шароитда олиб борилмоқда.

Сайловга тайёргарлик совет кишиларининг ҳаёти билан бевосита боғлиқ бўлган катта ва давлат аҳамиятига эга бўлган муҳим сиёсий кампаниядир. Барча сайлов комиссиялари ва участкалари, шунингдек улар ҳузуридаги агитпунктлар сайлов кампаниясида жуда катта роль ўйнашга даъват этилгандирлар.

Шу кунларда областимизнинг қайси бир шаҳри, райони, қишлоғи ёки посёлкасига борманг, у ерда, колхоз, РТС ва совхозларда Ильич чироқлари порлаб турибди. Мингларча сайловчилар агитпунктларга келиб КПСС XXI съезди белгилаб берган коммунизм қурилишининг улуғвор программаси — етти йиллик планнинг мақсади ва моҳияти ҳақида, партиямизнинг халқ хўжалигига қилаётган доно раҳбарлиги, халқимизнинг турмушини фаровонлаштириш ҳақида тинмай қилаётган ғамхўрлиги тўғрисида, ленинча миллий сиёсатнинг тантанаси ҳақида, Совет ҳукуматининг тинчликсевар ташқи сиёсати тўғрисида мазмундор суҳбат ва лекциялар эшитмоқдалар, турли масалалар бўйича тегишли консультация ва жавоблар олмоқдалар.

Шуни алоҳида уқтириб ўтиш зарурки, агитация—оммавий ишлар қатори бўлажак сайловларга ташкилий-техник жиҳатдан ҳам тайёргарлик кўриш маҳаллий партия ва совет ташкилотлари олдида турган муҳим вазифалардан биридир. Сайлов кампаниясининг уюшқоқлик билан ўтиши кўп жиҳатдан ташкилий-техника тайёргарлик ишларини йўлга қўйишга, унинг қай даражада ташкил этилганлигига боғлиқдир. Шунга кўра шаҳар, район партия комитетлари ва ижроия комитетлари, участка сайлов комиссиялари ташкилий-техник тайёргарлик ишларига алоҳида эътибор беришлари, бу муҳим ишни орқага ташламай шу ғанимат кунлардан фойдаланган ҳолда тахт қилиб қўйишлари зарур.

Сайловчиларнинг рўйхати сайловда муҳим аҳамиятга эга бўлган ҳужжатдир. Гражданлар сайлов куни бирдан-бир ана шу ҳужжат асосида овоз берадилар. Унинг ниҳоятда аниқ бўлиши совет гражданлари ўз сайлов ҳуқуқларидан фойдаланишларини сўзсиз таъминлайди. Шунга кўра маҳаллий Советларнинг ижроия комитетлари, участка сайлов комиссиялари шу кеча-кундузда ҳар бир сайловчи рўйхатдан ўз фамилиясини текшириб кўришига тўла эришишлари зарур. Бу эса рўйхатдаги айрим ноаниқликларни ўз вақтида бартараф этишга, баъзи агитаторларнинг масъулиятсизлиги натижасида тушириб қолдирилган кишиларнинг фамилиясини рўйхатга киритишга имкон беради. Бу соҳада Тошкентдаги 3, 4, 12 ва бошқа бир қанча агитпункт коллективлари намунали ишлар қилдилар. Бу сайлов участкаларида овоз берадиган деярлик барча сайловчилар рўйхатда ўзларини текшириб бўлганлар.

Бироқ, айрим сайлов участкалари ва агитколлективлар борки, «ҳали сайловга анча вақт бор, улгирамиз» кайфиятида бўлиб, ташкилий-техник тайёргарлик масалаларига эътибор бермаётирлар. Бунга мисол қилиб Пискент районидаги Ҳамза номли мактаб биносига жойлашган сайлов участкаси ва агитпункт коллективининг шу кунда суст ишлаётганини кўрсатиш мумкин. Бу ерда агитация ишлари шу куннинг юксак талаби даражасида ташкил этилмаган, сайловчилар ўртасида агитаторлар камдан-кам бўладилар. Райондаги 1, 10, 13 ва 14 сайлов участкаларида эса кўпгина сайловчилар рўйхатга киритилмай тушириб қолдирилган, бу сайлов участкаларига қарашли агитпунктлар зарур адабиёт ва газеталар билан таъмин этилиб турилмайди, сайловчиларнинг маданий дам олишлари учун зарур шароит яратиб берилмаган. Бундай камчиликларга дарҳол барҳам бериш, сайловолди тайёргарлик ишларини шу кунларнинг юксак талаби даражасига кўтариш кечиктирилиши мумкин бўлмаган муҳим ишдир.

Сайлов участкалари сайловчилар оммаси билан бевосита алоқа қилувчи ва сайлов ишларини юритувчи асосий ячейкадир. Маҳаллий Советларнинг ижроия комитетлари сайлов участкаларининг ташқи томонини безатиш билан бирликда, унга тегишли барча хоналарни ҳам яхшилаб жиҳозлаш тўғрисида алоҳида ғамхўрлик қилишлари керак. Бу вазифани яқин икки-уч кун ичида узил-кесил ҳал этиш зарур. Участкаларни жиҳозлаш ва безатишда сайлов участкасини оталиққа олган муассасалар, корхоналар ва ташкилотлар ёрдамидан кенг фойдаланиш керак.

1 мартда сайловчилар учун энг қулай шароитларни ва яшириқ овоз беришни таъмин этадиган ҳамма шароитларни яратиб бериш маҳаллий партия ва совет ташкилотларининг эътибор марказида бўлсин. Овоз бериш кабиналари етарли миқдорда ва бир-биридан аҳралган ҳолда бўлиши, у ерда, стол, стул, стол устида эса қалам бўлиши албатта шарт. Бу сайловни совет системасининг энг муҳим принципи—яшириқ овоз бериш принципи асосида ўтишини таъминлайдиган муҳим омилдир.

Шуни назарда тутиш керакки, сайлов куни сайловчилар сайлов участкасига жуда кўп тўпланиб қолган пайтда бир эшикдан кириб-чиқиш қийин бўлиб қолади. Сайлов комиссиялари бундай ҳол юз беришига йўл қўймаслик чорасини кўришлари, сайловчилар овоз бериб бўлгач, уларнинг бошқа эшикдан чиқишларини таъминлашлари керак. Кекса ва бемор сайловчилар ҳақида алоҳида ғамхўрлик қилиш, сайлов участкаларида буфетлар ташкил этиш, санъат ҳодимлари ва ҳаваскорлар тўғараги кучи билан концертлар ташкил этишнинг бутун амалий чоралари олдиндан белгиланиб қўйилган бўлиши керак. Сайлов қутилари етарли миқдорда бўлиши, уларни ҳозирнинг ўзидаёқ тайёрлаб қўйиш зарур.

Ташкилий-техник тайёргарлик вазифаларини ҳал этишда маҳаллий Советларнинг ижроия комитетлари ниҳоятда оперативлик ва ташаббус кўрсатиб ишлашлари, бу муҳим вазифани бажаришга кенг жамоат активининг кучини сафарбар этишлари лозим.

Партия ташкилотлари ташкилий-техник тайёргарлик масалаларини ҳал этиш билан бир қаторда сайловчилар орасида олиб борилаётган сиёсий агитацияни янада кучайтиришга, унинг савиясини тобора оширишга алоҳида эътибор беришлари зарур. Сиёсий агитациянинг мазмундор ва қизиқарли бўлиши учун пропаганда ва агитациянинг барча формаларидан тўла фойдаланайлик, Ўзбекистон ССР Олий Совети ва маҳаллий Советларга сайловларни зўр уюшқоқлик билан ўтказайлик!

Тула областига Ленин ордени топширилди

17 февралда Тула областига Ленин ордени топширилди. Областга ҳукумат олий мукофоти топширилишига бағишланган тантанали мажлисга совхоз ва колхоз илғорлари, саноат корхоналарининг вакиллари, партия ва совет ходимлари тўпландилар. Бир қанча қўшни областларнинг делегациялари келди.

СССР Олий Совети Президиумининг топширигига мувофиқ ўртоқ Н. С. Хрушчев область вакилларига Ленин ордени топширади. Мукофотни КПСС Тула область комитетининг биринчи секретари А. И. Хворостухин ва область ижроия комитетининг раиси А. М. Горбачев қабул қилиб оладилар.

Тантанали мажлисда ҳамма томонидан самимий кутиб олинган ўртоқ Н. С. Хрушчев нутқ сўзлади. Шундан сўнг ўртоқ Н. С. Хрушчев СССР Олий Совети Президиумининг топширигига мувофиқ, бир группа қишлоқ хўжалик илғорларига, партия, совет ходимларига орден ва медаллар топширди.

Тушдан кейин Челюскинчилар майдонида меҳнаткашларнинг Тула областига Ленин ордени топширилишига бағишланган кўп минг кишилик митинги бўлди. Митинг қатнашчилари томонидан самимий кутиб олинган ўртоқ Н. С. Хрушчев нутқ сўзлади. Унинг нутқи гулдурос қарсаклар билан бир неча марта бўлиниб турди. (ТАСС).

Етти йиллик планни муддатидан илгари бажариш учун

Собиқ солдат, ҳозир эса 5-разрядли токари Л. Умматов ни муваффақиятли бажариш учун «Таштекстильмаш» заводининг шу кунларда етти йиллик плани учун бошланган социалистик мусобақага қўшилиб, кунлик нормасини 180-200 процентдан бажараётир. У доимо аъло сифатли маҳсулот бермоқда. Суратда: Токарь Л. Умматов иш устида. В. Панов фотоси.

Уй-жой қурилишининг катта перспективаси

Бундан бир неча ой муқаддам республикамизнинг қурилиш мутахассисларидан бир группаси Францияда бўлиб, бу ерда йирик панелли уй-жойлар қурилишининг қандай олиб борилаётганлиги билан тажриба алмашиб қайтди. Яқинда Ўзбекистон ССР Қурилиш милистрининг ўринбосари ўртоқ С. Политаев Ўзбекистон бинокорларининг Францияга қилган сафари тўғрисида ўз таассуротларини гапириб берди. Кон техникумининг студентлари ва ўқитувчилари, бинокорлар ўртоқ С. Политаевнинг йирик панелли уйлар қуриш усуллари тўғрисидаги мулоҳазаларини зўр қизиқиш билан тингладилар.

— Биз, республика бинокорлари делегациясининг аъзолари Францияда икки ойга яқин бўлдик ва французларнинг йирик панеллардан уй-жой қуриш соҳасида орттирган тажрибалари билан танишдик. Қурилиш индустриясидан бу янги метод билан бойитиш катта аҳамиятга эга эканлигига ишонч ҳосил қилдик. Шуни айтиш кифояки, Ўзбекистон шароитида энг йирик ҳисобланган 56-60 квартирали тўрт қаватлик уй-жой биносини тиклаш учун атиги бир ой муддат кифоя қилади. Буларгаа ташқари сувақ пардозлаш ва деворларнинг ички қисмини оқлаш каби кўп меҳнат талаб қиладиган ишлар деярли бўлмайди.

Шундан сўнг ўртоқ Политаев яқин йиллар ичида Тошкент шаҳрининг Қўйлиқ қисмида йирик панеллар ишлаб чиқарувчи комбинат қурилиши планлаштирилганлигини айтди. Шу билан бирга комбинат ҳозирги замон илғор қурилиш техникаси билан ҳам тўла қуроллантирилади. Йирик панеллар лой, қум-шағал, оҳак гипс сингари бинокорлик ҳомашёларидан тайёрланади. Бу ерда пластмасса ҳам кенг қўлланилади.

Биноларни йирик панеллардан қуриш уй-жойларнинг таннархини камайтиради, қурилиш суръатларини тезлаштиради. Янги метод уй-жой қурилишини кенг кўламда олиб бориш имконини беради.

Ю. ИГНАТОВ.

☆

Шарафли номни олиш учун курашмоқдалар

Тошкентдаги крупа заводлари бошқармасига қарашли 13 ва 14-заводнинг коллективлари КПСС XXI съездининг тарихий қарорларидан руҳланган ҳолда ғайрат билан меҳнат қилаётирлар. Бу ерда ишлаётган ҳар бир ишчи, ҳар бир инженер-техник ҳодим бугун кечагидан, эртага эса бугунгидан унумлироқ меҳнат қилишга бел боғлаган.

Бошқармага қарашли барча заводларнинг ишчилари 1959 йилнинг дастлабки ойини ҳам юқори кўрсаткичлар билан якунладилар. Улар шу кунларда квартал планини муддатидан олдин бажариш учун курашаётирлар.

Коллектив орасида коммунистик меҳнат бригадаси номини олиш учун курашаётган ишлаб чиқариш бригадаларининг сони кўпайиб бораётир. Ўртоқ Наберухин бошлиқ крупа тортувчилар бригадасининг аъзолари смена топшириқларини 135-140 процентга етказиб адо этаётирлар.

Ҳ. МУҲАММАДСОДИҚОВА, Т. ТОЖИБОЕВ.

Ишчи-ёшлар самарали меҳнат қилмоқдалар

Тошкентдаги «Инструменталь» заводи ишчилари КПСС XXI съездининг тарихий қарорларини зўр қувонч билан кутиб олдилар. Ҳар бир токарь, ҳар бир слесарь, инженер-техник ҳодим иш вақтидан унумли фойдаланиш, ишлаб чиқариш интизомига қатъий риоя қилиш, меҳнатни яхши ташкил қилиш ҳамда аъло сифатли маҳсулот ишлаб чиқариш учун социалистик мусобақани кенг авж олдирмоқда.

Айниқса корхонанинг комсомолёшлари ғайрат кўрсатиб ишлаб, ажойиб ютуқларга эришмоқдалар. Корхона маҳсулот ишлаб чиқариш январь ойи планини 102 процент қилиб бажарди. Бунда ёшларнинг ҳиссаси каттадир. Яқинда завод ишчилари йиғилиш ўтказиб, меҳнатда катта муваффақиятга эришган ишчи ўртоқ Ниёз Абдуллаев раҳбарлик қилаётган механика цехи токарлар бригадасига коммунистик меҳнат бригадаси номини берди.

М. ОРТИҚОВ.

С. К. Камолов сайловчилар билан учрашди

Янгийўлда, Уйғур номли театр биносида Янгийўл қишлоқ сайлов округи сайловчиларининг сайловолди йиғилиши бўлиб, улар Ўзбекистон ССР Олий Совети депутатлигига кандидат, Ўзбекистон КП Марказий Комитетининг биринчи секретари **Собир Камолович Камолов** билан учрашдилар.

Йиғилишда ишончли вакил И. Юнусов сўзга чиқди. У меҳнаткашларнинг сайловларга ғоят зўр сиёсий ва меҳнат ғайрати билан тайёргарлик кўраётганликлари ҳақида сўзлаб бериб, тўпланган кишиларни депутатликка кандидатнинг таржимаи ҳоли билан таништирди, барча сайловчиларни С. К. Камолов учун—партия ва халқнинг содиқ фарзанди, коммунистлар билан партиясизлар бузилмас блокининг муносиб вакили учун ўз овозларини беришга чақирди.

Сайловчиларнинг вакиллари — Фрунзе номли колхознинг раиси К. Сандбеков, Куйи Бўзсув каскадининг бошлиғи Р. Ҳайдаров, Энгельс номли колхоз партия ташкилотининг секретари Х. Усмонов ва бошқалар бирин-кетин минбарга чиқадилар. Улар ҳаммаси сайлов округи меҳнаткашлари мамлакатимизда коммунистик қурилишнинг КПСС XXI съезди томонидан чизиб берилган улуғвор программасини шараф билан бажаришга, сайлов кунида жонажон Коммунистик партияга ўзларининг чексиз муҳаббати ва садоқатини яна зўр куч билан ламойиш қилишга аҳд қилганликлари ҳақида гапирдилар.

Тўпланган кишилар томонидан қизғин кутиб олинган Ўзбекистон ССР Олий Совети депутатлигига кандидат С. К. Камолов йиғилишда нутқ сўзлади. У республика Олий Совети депутатлигига кандидат қилиб кўрсатиб, ўзига юксак ишонч билдирганликлари учун сайловчиларга самимий ташаккур изҳор қилди, бу ишончни оқлаш учун бутун куч-ғайратини сарф қилажагини айтди.

Депутатликка кандидат ўз нутқининг кўп қисмини КПССнинг навбатдан ташқари XXI съезди иши якунларига, съезд томонидан совет халқи олдига қўйилган вазифаларга бағишлади.

Янги етти йилликда, деди ўртоқ Камолов, Ватанимизнинг қудрати анча ўсади, Совет Иттифоқи халқларининг дўстлиги ялада мустаҳкамланади, барча иттифоқчи республикаларнинг, шу жумладан Ўзбекистон ССРнинг экономикаси ва маданияти янада ривож топади, меҳнаткашларнинг моддий фаровонлик даражаси анча ошади.

КПСС XXI съезди қарорларига мувофиқ, етти йилликда Ўзбекистоннинг ишлаб чиқарувчи кучлари анча ўсади, саноат ва қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришининг ҳажми кескин равишда кенгаяди, мамлакатнинг бошқа районлари билан республиканинг иқтисодий алоқалари кенгаяди ва мустаҳкамланади. Бухоро районида очилган ғоят катта табиий газ конлари республикада кучли газ ва кимё индустриясини вужудга келтиришгина қолмай, балки Урал учун ҳам қимматли саноат хом ашёси етказиб беради. Республикада металлургия, энергетика, машинасозлик ҳам кенг ривожланади.

Ўзбекистон мамлакатнинг асосий пахта базаси бўлиб қолгани ҳолда, етти йиллик давомида пахта етиштириш миқдорларини анча кенгайтириш лозим. Бу эса республика меҳнаткашларининг энг асосий вазифаси, уларнинг энг муҳим ватанпарварлик ва интернационал бурчидир. Олдимизда турган вазифани муваффақиятли ҳал қилмоқ учун далаларнинг ҳосилдорлигини ошириш, дала ишларини комплекс механизациялаш, янги ерларни ўзлаштириш ҳисобидан экин майдонларини тўхтовсиз янада кенгайтирабориширирригация хўжалигини такомиллаштириш зарур. Белгиланган топшириқларни муваффақиятли бажаришнинг зарур шарти бу йилги кўклам экиш ишларини намунали бажаришдан иборат, бу эса экиш кампаниясига тайёргарлик суръатларини бутун чоралар билан кучайтиришни талаб этади.

Ўртоқ Камолов сайлов округи меҳнаткашларининг ишларида катта муваффақиятлар тилади, улар етти йилликни муддатидан илгари бажариш учун умумхалқ курашига муносиб ҳисса қўшадилар, деб ишонч билдирди. Ўз сўзининг охирида у ўзига кўрсатилган ишонч учун уларга яна бир марта миннатдорчилик билдирди, бундан буён ҳам ўзининг бутун куч-ғайратини халқ хизматига, коммунистик қурилиш улуғ ишига сарф қилажагини айтди.

Учрашув қатнашчилари барча сайловчиларнинг сайлов кунида коммунистлар билан партиясизлар бузилмас блоки кандидатлари учун аҳиллик билан овоз беришга чақирдилар. (ЎзТАГ).

Москвада Ўзбекистон санъати ва адабиёти декадаси

ЎЗБЕКИСТОН ССР САНЪАТИ ВА АДАБИЁТИ ДЕКАДАСИ МОСКВА 1959

☆

Унутилмас учрашувлар

МОСКВА, 19 февраль. **(Телефон орқали махсус мухбиримиздан олинди).** Жонажон пойтахтимиз меҳнаткашлари Ўзбек санъати ва адабиёти арбоблари билан қувончли учрашувларни зўр иштиёқ ва завқ билан ўтказмоқдалар. Уларнинг кўпчилиги «Дилором» операсини, Ҳамзанинг ўлмас «Бой ила хизматчи» драмасини, Уйғуннинг «Олтин кўл» музикали комедиясини, Горький номли театр артистлари ижросидаги спектакларни эҳтирос билан тамоша қилдилар.

Йирик заводларнинг маданият саройларида, пойтахтнинг концерт залларида, китоб магазинларида ва виставка залларида серқуёш республикамизнинг санъаткорлари, ёзувчилари, рассомлари билан қизғин учрашувлар бўлмоқда. Бу учрашувларнинг ҳар бири Ўзбек санъати ва адабиётини юксак баҳолаб, қадрлаётган москваликларда ҳам, республикамиз ижодкорларида ҳам унутилмас таассуротлар қолдирмоқда. Москвалик дўстларимиз спектакларимизни, концертларимизни, цирк, эстрада ёшлар ансамбларининг тамошаларини ҳаяжон билан кузатиб, завқланибгина қолмасдан, айрим вақтда уларнинг камчиликларини кўрсатиб, самимий маслаҳат ҳам бермоқдалар.

Тўрт кундан бери адабиётчилар уйида давом этаётган Ўзбек ёзувчилари асарларининг муҳокамаси ҳам жуда қизиқарли ўтмоқда. Бу ерда Зулфия ва Саида Зуннунова, Яшин ва Уйғун, Ғафур Ғулом ва Абдулла Қаҳҳор сингари ёзувчиларимизнинг ижодий кечалари бўлиб ўтди. Бу кечаларда ишитрок этган пойтахтнинг ишчи ва хизматчилари, зиёлиларнинг вакиллари, ёзувчилар, театр арбоблари, иттифоқчи республикалардан келган меҳмонлар Ўзбек ёзувчилари асарларини ўқиб олган таассуротларини сўзлаб бермоқдалар. Серқуёш Ўзбекистон ёзувчилари яратган асарларда ҳозирги замон темасининг устунлигини, ажойиб совет кишиларининг порлоқ образлари яратилаётганлигини зўр мамнуният билан қайд қилиб, айрим ёзувчиларимиз ижодидаги нуқсонларни самимий маслаҳатўйлик билан кўрсатиб бермоқдалар. Бу эса ҳар бир ёзувчининг ижодига самарали таъсир кўрсатиши, уларни ижодда ялги-янги муваффақиятларга даъват этиши шубҳасиздир.

Ёзувчиларимиз билан бўлаётган кечалардан бири «Ўзбекистонимизга келинг» деган темада ўтказилди. Бунда Ғафур Ғулом, Абдулла Қаҳҳор, Ҳаким Назир, Суннатулла Анорбоев, Сергей Бородин сингари Ўзбек совет адабиётининг турли жанрларида ижод этаётган санъаткорлари москваликларга севимли Ўзбекистонимиз ҳақида ёзган асарларидан ўқиб бердилар, ўз ижодий плаларини сўзладилар.

Кечага раислик қилган атоқли совет ёзувчиси Константин Симонов республикада 40 йил ичида рўй берган ўзгаришларни, бунда газ, нодир металлар ва бошқа қонлар очилганлигини, пахта ҳосили ошганлигини, кишиларнинг бахтиёр, санъатининг серқуёш эканлигини ҳаяжонланиб гапирди.

Ўзбек халқ чолғу асбоблари оркестри рақс ансамбли ва бошқа концерт бригадаларининг чиқишлари ҳам зўр муваффақият қозонмоқда. Ижодий кўрик давом этмоқда.

Н. ЭГАМНАЗАРОВ.

☆ ☆ ☆

Декада қатнашчилари Москва ишчиларида меҳмон бўлдилар

МОСКВА, 19 февраль. **(ЎзТАГ махсус мухбирлари).** Москванинг шонли ишчилар синфи — автомобилсозлар ва металлурглар, кимёгарлар ва тўқимачилар, темир йўлчилар ва бинокорлар «оқ олтин» кони — Ўзбекистондан келган азиз меҳмонларни шоду-ҳуррамлик билан кутиб олмоқдалар. Ўзбек халқининг вакиллари учун фабрика ва заводларнинг, маданият саройлари ва клубларнинг эшиклари кенг очиб қўйилган, завод-фабрикаларнинг катта цехларида Ўзбек шеъри ва қўшиқларининг садолари янграйди.

...Москвада кишиларни ғоят ҳаяжонлатирадиган жойлар бор. Бундай жойларнинг бири — Красная Пресняди р. Унинг қизил гиштдан ясалган эски уйлари, тор кўчалари 1905 йил декабрь қуролли қўзғолони кунларида, Улуғ Октябрь кунларида ишчиларнинг қаҳрамонона жангларининг шоҳиди бўлган эди.

Ташқи кўриниш жиҳатидан Красная Пресня, албатта, таниб бўлмаслик даражада ўзгарган. Янги уйлар, саноат корхоналари қад кўтарган, унинг магистраллари кенгайиб кетган. Аммо Красная Пресняда аввалгидек ҳозирда ҳам қаҳрамонлик ва жасорат руҳи яшайди. Ана шу қаҳрамонлик ва жасорат руҳи ундаги кишиларнинг ишларида, уларнинг Ватан бахт-саолати йўлида қилаётган фидокорона меҳнатларида яшайди.

Серқуёш Ўзбекистон билан Москва ўртасида уч минг километрдан кўпроқ масофа бор. Аммо дўстлик учун масофанинг аҳамияти йўқ. Азалдан бўй давом этиб келаётган мустаҳкам воситалар Ўзбекистон меҳнаткашларини Красная Пресня ишчилари билан, унинг донги кетган энг кекса корхонаси — «Трёхгорная мануфактура» комбинати билан боғлайди. Унинг хотин-қизлари ўз опа-сингиллари — рус хотин-қизлари кўрсатган катта ёрдамни унутишлари мумкинми ахир! Улар Ўзбек хотин-қизларининг манфур паранжи — чочвонни ташлаб, қуёш ёруғлигини ва қуёш нурини кўришларига ёрдам бердилар. Улар Ўзбек хотин-қизларига станокларда ишлаш, замонавий фабрикаларда тўқиш ва йигириш маҳоратини ўргатдилар, Ўзбек хотин-қизларини китобхон қилдилар, давлатни бошқаришда биринчи қадамларини қўйишларига кўмаклашдилар.

Декада кунларида Ўзбекистон вакилларининг «Трёхгорная мануфактура» меҳнаткашлари билан учрашувлари традиция бўлиб қолган. Кеча яна шундай учрашув бўлди. Ўзбек ёзувчиларидан Зулфия ва Саида Зуннуновалар адабий кеча ўтказдилар.

В. И. Ленин номидаги Маданият уйининг кенг ва гўзал зали электр чироқлари нурига чўмган эди. Маданият уйига кира беришда ва залда илиб қўйилган катта кизил алвонларга Ўзбекистон санъати ва адабиёти декадаси қатнашчиларига табрик сўзлари ёзилган эди. Тўқимачилар тамоша залига тўпландилар. Улар Ўзбек халқининг шеър ва қўшиқларини эшитиш учун оилалари билан келганлар.

Кечани партия комитети секретарининг ўринбосари Н. В. Ласманов очди. Шундан кейин Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари З. Р. Раҳимбобоевага сўз берилди. Ўртоқ Раҳимбобоева комбинат коллективига декада қатнашчиларининг, бутун Ўзбек халқининг қизғин саломини топширди, шу ерда ҳозир бўлган кишиларни Ўзбек адабиётининг икки талантли намояндаси ижоди билан таништирди. Ўртоқ Раҳимбобоева Ўзбекистон меҳнаткашларининг жонажон Коммунистик партиядан, Совет ҳукуматидан, ўз оғаси рус халқидан ғоят миннатдор эканлиги тўғрисида гапирди.

Москва театрларининг артистлари Зулфиянинг шеърларини, Саида Зуннунованинг ҳикоялари ва шеърларини ўқиб бердилар. Залдагилар тез-тез қарсак чалиб турдилар. Кечада раислик қилган москвалик шоир Сергей Смирнов образли қилиб айтганидек, ҳаётнинг талабчан эгаси — ишчилар синфи Ўзбек халқининг талантли намояндаларини самимий кутиб олди.

Саида Зуннунова ва Зулфия самимий кутиб олганликлари учун кеча қатнашчиларига чин кўнгилларидан ташаккур изҳор қилдилар, уларга сиҳат-саломатлик, бахт ва ўз ишларида муваффақият тилидилар.

— Биз, — деди Зулфия, — қалбларингиз ҳароратини ўзимиз билан бирга олиб кетамиз. Сизлар билан ҳали кўп марта учрашувимизга аминмиз. Сизларни Ўзбекистонга таклиф қиламиз.

Комбинат партозлаш фабрикасининг ишчиси Валентина Ганина Москва тўқимачиларининг [illegible] туйғуларини изҳор қилиб [illegible] деди:

(ДАВОМИ УЧИНЧИ БЕТ[illegible])

Идеология ишларини ҳозирги юксак талаблар даражасига кўтарайлик

(ТОШКЕНТ ШАҲАР ПАРТИЯ КОМИТЕТИНИНГ ПЛЕНУМИДАН)

Ўзбекистон КП Тошкент шаҳар комитетининг Пленуми бўлиб ўтди. Пленум қатнашчилари шаҳар партия комитетининг биринчи секретари Ўртоқ **Ф. Х. Хўжаев**нинг «Тошкент шаҳар партия ташкилотида идеология ишларининг аҳволи ва КПСС XXI съезди қарорлари муносабати билан бу соҳадаги ишларни яхшилаш тадбирлари тўғрисида»ги докладини тингладилар ва муҳокама қилдилар.

— Никита Сергеевич Хрушчевнинг КПСС XXI съездида қилган докладида, шунингдек съезд делегатларининг нутқларида ва съезд якдиллик билан қабул қилган резолюциясида, — деб таъкидлади Ўртоқ Хўжаев, — мамлакатимиз тараққиётининг ҳозирги босқичида оммани коммунистик руҳда тарбиялаш гоят катта аҳамиятга эга эканлиги алоҳида қайд қилинди.

Докладда ва музокарада сўзга чиққанларнинг нутқларида шаҳар партия ташкилоти КПСС XX съезди тарихий қарорларига оғишмай амал қилиб, идеология ишларини ҳаёт билан, кундалик амалий вазифалар билан боғлаб олиб боришда ижобий натижаларга эришганлигини таъкидладилар. Марксча-ленинча назарияни ўрганишга ижодий ёндошилди, партия ташкилотлари бошчилигида пропагандистлар догматизм ва қироатхонликка қарши курашни кучайтириб юбордилар.

Агар бундан икки йил илгари КПСС тарихини тўғарак ва семинарларда 5 мингдан ортиқроқ киши ўрганган бўлса, ҳозирги вақтда бундай тўғарак ва семинарларда 12 мингга яқин киши шуғулланмоқда. Марксча-ленинча фалсафани, конкрет экономика ва сиёсий иқтисодни ўрганувчи кадрлар сони ҳам анча кўпайди, машғулотлар савияси яхшиланди. Мустақил ўқишнинг ривожланиши билан коллектив бўлиб ўтказиладиган форналарга қизиқиш тобора кучаймоқда. Малакали пропагандистлар тайёрлашни яхшилаш мақсадида кечки марксизм-ленинизм университети ўз ишини қайта қурди.

Тошкент тўқимачилик комбинати партия комитети ва бошланғич партия ташкилотлари партия пропагандаси ва сиёсий агитацияни намунали йўлга қўйиб, самарали иш олиб бораётир. Комбинатда 79 тўғарак ва семинар ташкил этилди. Буларда 900 коммунист ва 500 дан кўп партиясиз актив назарий ва иқтисодий билимини оширмоқда. Сиёсий тайёргарлиқ ва ишлаб чиқариш тажрибасига эга бўлган пропагандистлар бошчилик қилаётганлиги учун ҳам бу тўғарак ва семинарларнинг машғулотлари юқори савияда ўтмоқда.

Октябрь революцияси номли «Ўзбексельмаш» заводлари сингари бир қанча корхоналарда ва муассасаларда ҳам тўғарак ва семинар машғулотлари савиясини ошириш ҳамда сиёсий агитацияни кучайтириш юзасидан кўпгина тақдирга сазовор ишлар қилинмоқда.

Ўрта ва олий ўқув юртлари ҳамда давлат муассасаларида ҳам партия маорифининг савиясини оширишга эътибор кучайтирилди, оммавий-сиёсий ишлар бирмунча яхшиланди. Ижодий ташкилотларда бу соҳада айниқса катта муваффақиятларга эришилди.

Пленум қатнашчилари эришилган муваффақиятларни таъкидлаш билан бирга, бу соҳадаги камчиликларни принципиал танқид ва ўз-ўзини танқид асосида очиб ташладилар, идеология ишлари, айниқса партия пропагандасини олиб бориш соҳасидаги ишлар кўп жойларда ғоявий-назарий жиҳатдан паст савияда, турмушдан, коммунистик қурилишнинг амалий вазифаларидан ажралган ҳолда олиб борилаётганлигини конкрет фактларда кўрсатиб ўтдилар. Бизда назарий қоидаларни қироатхонларча абстракт тарзда баён қиладиган, партия ва ҳукуматимиз қабул қилган муҳим қарорларни зерикарли тарзда қуруқ сўзлаб ва ўқиб берадиган пропагандистлар, лектор ва докладчилар оз эмас. «Подъёмник», «Ўзхлопкомаш» заводларида, тепловоз депосида, Тошкент ТЭЦида, «Ўзбекгидроцветмет»да, пайпоқ-трикотаж фабрикасида мана шундай аҳволни кўриш мумкин.

Фрунзе район партия комитетининг секретари Ўртоқ **Хўжаев** ўз сўзида райком ҳам, шаҳарком ҳам пропагандистлар билан ишлаш масаласига жиддий эътибор бермаётганликларини таъкидлади. Кўп жойларда машғулотларнинг юзаки ва паст савияда ўтаётганлигига, тингловчиларнинг уюшқоқлик билан қатнашмаётганликларига асосий сабаб тўғарак ва семинарларнинг юқори малакали пропагандистлар билан мустаҳкамланмаганлигидадир. Нотиқ аҳоли ўртасида, айниқса маҳаллаларда оммавий-сиёсий ишларни изчиллик билан олиб бориш, илмий-атеистик пропагандани кучайтириш зарурлиги ҳақида гапирди.

Канап фабрикаси партия ташкилотининг секретари Ўртоқ **Ткачева** бу фикрни қувватлаб, илмий-атеистик пропаганда савиясини тубдан яхшилаш юзасидан шаҳар партия комитети жиддий чора кўриши кераклигини айтди.

— Шаҳарда, — деди у, — ислом ва христиан дилларининг туб моҳиятлари ва ривоятларини яхши биладиган атеист-пропагандистлар, лекторлар жуда кам. Кўп лекторлар атеистик темада лекция ўқиганларида, умумий мулоҳазалар ва қуруқ даъватлар билан кифояланадилар. Бундай қилишнинг кимга кераги бор, қанчалик фойдаси тегади ахир? Шунинг учун ҳам юқори малакали атеист—лекторлар ва пропагандистлар тайёрлаш зарур.

Кечки марксизм-ленинизм университетнинг директори Ўртоқ **Цибизова** пропагандист кадрлар тайёрлаш бирмунча яхши йўлга қўйилганлиги тўғрисида сўзлаб берди. Сўнгра у, айрим район партия комитетлари ва шаҳар партия комитети университетга тингловчилар танлаш ва юборишда формализмга, юзакичиликка йўл қўяётганликларини танқид қилди.

— Шаҳар партия комитетининг раҳбарлари, — деди Киров райкомининг секретари Ўртоқ **Усмонов** жойларда партия пропагандаси ва оммавий-сиёсий ишлар қандай олиб борилаётганлиги билан камдан-кам қизиқадилар. Биз шаҳар партия комитетидан идеология ишлари ва партия пропагандасининг аҳволи билан кўпроқ шуғулланишни ҳамда бу соҳадаги камчиликларни бартараф қилишда амалий ёрдам беришни талаб қиламиз.

Ленин номидаги Ўрта Осиё Давлат университети партия комитети секретари Ўртоқ **Ғаниев**нинг нутқи пленум қатнашчиларини қаноатлантирмади. У, студентлар ўртасида оммавий-сиёсий ва тарбиявий ишларни яхшилаш масалалари билан олий ўқув юртлари партия ташкилотлари, шу жумладан САГУ партия комитети жиддий шуғулламаётганлиги ҳақида пленумда айтилган танқидий гапларни рад қилишга уринди. Университетнинг студентлари ва ўқитувчилари ўртасида совет зиёлиси шаънига тўғри келмайдиган нолойиқ ҳатти-ҳаракатлар юз бераётгани сабабларини рўй-рост очиб ташлаш ўрнига, Ўртоқ Ғалиев ўз сўзини қуруқ насиҳатгўйлик билан тамомлади.

Шаҳар милиция бошқармасининг бошлиғи Ўртоқ **Қаландаров** шаҳар олий ўқув юртлари партия ташкилотларини ёшларни тарбиялаш ишига ҳали ҳам етарли эътибор бермаётганликлари учун қаттиқ танқид қилди. У, конкрет фактлар келтириб, олий ўқув юртларининг партия ташкилотлари ва ўқитувчилари студентларнинг ҳаёти, қандай яшаётганликлари, кўчада, жамоат ўртасида ўзларини қандай тутишлари билан кам қизиқаётганликларини кўрсатди.

Ўртоқ Қаландаров безориликка, жамоат тартибларини бузувчиларга, ичкиликбозликка қарши кураш кенг жамоатчиликнинг диққат марказида туриши, бунинг учун партия ташкилотлари кўп иш қилишлари кераклигини, жойларда халқ милициялари ташкил этишни қизитиб юбориш лозимлигини айтди.

Марказий район партия комитетининг секретари ўртоқ **Гуломов** ўз нутқини район партия ташкилоти ижодий ташкилотлар ходимлари ўртасида идеология ишларини кучайтириш юзасидан зарур тадбирларни амалга ошираётгани ҳамда у қандай самаралар бераётганлигига бағишлади. Шу билан бирга нотиқ шаҳардаги тамошахоналарни ойига бир кун ёшлар учун бўшатиб бериш тўғрисида ўтган йили шаҳар партия комитети қабул қилган қарор ҳануз амалга оширилмаётганлигини таъкидлаб, бу тадбирни тезда амалга оширишни талаб қилди.

Шаҳар комсомол комитетининг секретари Ўртоқ **Соқиев** комсомол ва ёшлар ўртасида олиб борилаётган оммавий-сиёсий ва тарбиявий ишлар ҳозирги талаблар даражасида эмаслигини эътироф қилди ва бу соҳадаги ишларни кучайтиришга қаратилган бир қанча таклифларни киритди. Жумладан у корхона раҳбарлари ва район партия комитетлари ёшларнинг ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда билим олишини таъминлаш ва ҳар сменада ўқитиладиган ишчи-ёшлар мактаблари тармоғини келгайтиришга алоҳида эътибор беришлари кераклигини кўрсатиб ўтди.

Пленум муҳокама қилинган масала юзасидан тегишли қарор қабул қилди.

Ўзбекистон ССР Олий Совети ва маҳаллий Советлар сайловларига пухта тайёрланайлик

★

Бир колхознинг агитаторлари

Верхне-волинск районидаги Карл Маркс номли колхоз агитаторлари колхозчи-сайловчилар ўртасида сиёсий агитацияни қизитиб юбордилар.

Колхоз қишлоғидаги етти йиллик мактабнинг ўндан ортиқ ўқитувчи-агитатори ўзларига бириктирилган бригадаларда ва бригада аъзоларининг уйларида совет сайлов системаси, партия ва ҳукуматнинг колхозчи деҳқонлар ҳақида қилаётган гамхўрликлари, етти йилликда мамлакатимиз қишлоқ хўжалиги ва жумладан ўз колхозлари олдида турган асосий вазифалар тўғрисида, халқаро аҳвол ҳақида, кундалик сиёсат тўғрисида мароқли суҳбатлар ўтказмоқдалар. Шу билан бирга улар депутатликка кўрсатилган номзодларнинг иш фаолияти ва биографияси билан сайловчиларни таништирмоқдалар.

Бўта Ўтамишев, Турсунқул Болқибоев, Мухтор Умаров, Атирхон Пўлатхонов ўртоқлар сиёсий агитацияни яхши олиб боришда бошқаларга ўрнак бўлмоқдалар. Оммавий-сиёсий ишларнинг яхши йўлга қўйилганлиги туфайли колхозда кўкламги экишга тайёргарлик ишлари ҳар томонлама қизитилмоқда.

А. ҚОСИМОВ.

Октябрь район 178-сайлов участкаси ҳузуридаги агитпункт ҳамма вақт сайловчилар билан гавжум бўлади. Бу ерда сайловчилар билан учрашувлар ўтказилади, қизғин суҳбатлар бўлиб туради. Суратда: старший агитатор Мукаррам Ғафурова сайловчилар билан суҳбат ўтказмоқда.
В. Панов фотоси.

ХОТИРЖАМЛИК ҲУКМ СУРГАЧ...

Шу кунларда қаерга борманг, сайловолди кампанияси кундан-кунга қизитилаётганлигини кўрасиз. Агитпунктларда оммавий-сиёсий ишлар қайнаган, сайловчилар учун лекциялар, мароқли кечалар уюштирилаётганлигини кўрасиз.

Лекин негадир бизнинг агитпунктда бутунлай бошқача аҳвол. Фрунзе район 147-сайлов участкаси ҳузуридаги бу агитпунктда хотиржамлик. Бу ерда сайловчиларни рўйхатга олишдан бошқа қеч қандай иш қилингани йўқ. На бирор лекция, на учрашув кечалари ўтказилди.

Бу ҳам майли-я, ақали агитпунктнинг ички-ташини безатиб қўйиш, газета ва журналларнинг янги сонлари билан таъминлаш, брошюралар келтириб қўйиш сингари энг зарур ишлар ҳам қилинмаган. Сайловчиларга концертлар кўрсатиш, кинофильмлар қўйиб бериш агитпункт мудири Ўртоқ Анна Ламнинг хаёлига келганича йўқ. Шунинг учун ҳам агитпунктга сайловчилар камдан-кам келадилар. Келган билан бирор кўнгилочар машғулот бўлмаса, ўқишга газета-журнал топмасанг, очиқ чеҳра билан қабул қилиб, билмаганингни тушунтирадиган агитатор ёки пропагандист бўлмаса, нима ҳам қиласан киши!

Шуниси кишини ажаблантирадики, бу агитпункт район ижроия комитети биносида жойлашган. Сайловолди кампаниясини ҳар томонлама кучайтирайлик, агитпунктларни оммавий-сиёсий ишлар марказига айлантирайлик, деб ҳар куни юз марталаб кишиларга таъкидлайдиган райижроком ходимлари мана шу бизнинг агитпунктимиз эшиги олдидан юз марталаб ўтадилар, кундакунора иш билан неча марталаб кириб-чиқадилар. Аммо агитпункт ишини яхшилашга бефарқ қараб келмоқдалар. Кишининг гапи билан иш бир бўлсада!

Муқим НИЕЗОВ,
Тошкентдаги 5-техника-билим юртининг ўқувчиси, сайловчи.

Сайлов тараддуди

Чирчиқ шаҳри областимиздагина эмас, балки республикамизда йирик саноат марказларидан биридир. Шаҳарда партиямизнинг XX съезди билан XXI съезди ўртасидаги қисқа муддатда катта ўзгаришлар юз берди. Бу ерда қурилган кўп қаватли бизолар, янги кўчалар, кимёгарлар ва машинасозларнинг маданият саройлари, кинотеатрлар шаҳар ҳуснига-ҳусн қўшди. Ўтган йили янгидан қурилган бинолларга баллон билан ишлайдиган 400 газ плиталари ўрнатилди. Шаҳарнинг Ленин, Совет, Октябрь, Молодежная кўчаларидаги уйларда истиқомат қилаётган ишчи ва хизматчилар бу қулайликлардан баҳраманд бўлмоқдалар.

Доимий комиссиялар ва депутатларнинг ёрдамида шаҳар Совети сайловчиларнинг ободончилик, маданий-маиший ишларни яхшилаш юзасидан берган 172 наказидан 136 тасини бажарди. Троицк посёлкаси билан Куйи Комсомол посёлкаси, Бўзсув билан Юқори социалистик шаҳарча посёлкалари ўртасида пассажир машиналари қатнай бошлади. Кўпинча ишчи посёлкалари электрлаштирилди, Бўзсув посёлкасининг Потёмкин кўчасида 300 метр узунликда водопровод қурилди. Ана шу посёлкада ҳозирги кунда аҳолини сув билан таъминлашни яхшилаш мақсадида қўшимча насос станцияси қурилмоқда. Кўчалар ва йўлкаларга асфальт ётқизиш, водопровод ва канализация шохобчалари қуришга 2 миллион 600 минг сўмга яқин маблағ сарфланди. Бу йил водопровод ва канализация шохобчаларини реконструкция қилиш учун 1 миллион 400 минг сўм маблағ ажратилди.

Шаҳар саноат корхоналари ҳам кенгайтирилиб, қишлоқ хўжалиги, кимё ва энергетика саноатлари учун турли-туман янги машиналар ва бошқа енгил саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш тобора кўпайтирилмоқда. Саноат корхоналарининг меҳнаткашлари ўтган йил давлат плакларини муддатидан илгари ортиги билан бажариб, пландан ташқари бир неча ўн миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқардилар. Партиямиз XXI съездининг қарорларидан руҳланган шаҳар саноатчилари сайловолди социалистик мусобақасини тобора авж олдириб шу кунларда зўр ғайрат билан фидокорона меҳнат қилмоқдалар.

Бўладиган сайловларга тайёргарлик кун сайин қизитилмоқда. Шаҳар территориясида 30 та сайлов участкаси, республика Олий Советига сайлов ўтказадиган 4 округ, область Советига сайлов ўтказадиган 14 округ ва меҳнаткашлар депутатлари Чирчиқ шаҳар Советига сайлов ўтказадиган 193 округ ташкил этилган. Барча сайлов участкалари ва агитпунктлар яхши жиҳозланиб, телефон аппаратлари ўрнатилди. Республика Олий Советига ва маҳаллий Советларга сайлов ўтказадиган сайлов участкалари ҳамда агитпунктларда 1600 дан ортиқ агитатор ишламоқда. Агитаторлардан ташқари сиёсий ва илмий билимларни тарқатувчи республика жамиятининг шаҳар бўлими лекторларидан 140 киши сайловчиларга турли темаларда лекциялар ўқимоқдалар.

Агитаторлар аҳоли ўртасида совет сайлов системасининг афзалликлари, совет гражданларининг ҳуқуқ ва бурчлари, партия ва ҳукуматимизнинг совет кишилари тўғрисида қилаётган ғамхўрликлари ҳақида суҳбат ўтказганларида маҳаллий материаллардан яхши фойдаланмоқдалар, ўз шаҳарлари ҳаётидан олинган конкрет мисоллар билан тушунтириб бермоқдалар.

Совет кўчасидаги тўрт қаватлик муҳташам бинодаги шаҳар кутубхонасига жойлашган 14-агитпунктнинг (мудири ўртоқ Ермичев) иши айниқса мақташга сазовордир. Бу кутубхонада 41 мингдан ортиқ турли сиёсий, бадиий, илмий-оммабоп китоб бўлиб, кутубхонанинг 3100 дан ортиқ китобхони бор. Кутубхона жуда кўп журнал ва 30 дан ортиқ турли газета олади. Бу ер китобхонлар билан сайловчиларнинг маданий ҳордиқ чиқарадиган севимли жойларидан бирига айланди.

Агитпунктда 59 агитатор бор. Улар билан бирнеча марта семинар ўтказилди. Яхши жиҳозланган бу агитпунктда сайловга доир брошюра, бошқа турли адабиётлардан, етти йилликда амалга ошириладигаи буюк ишларга бағишланган фотосурат ва плакатлардан иборат виставка ташкил этилган.

— Агитпунктнинг кутубхонага жойлаштирилиши, — дейди агитпункт секретари ва шаҳар кутубхонасининг ходими Ўртоқ Н. Давиденко, — сайловчилар билан бадиий асарларни муҳокама қилиш ва китобхонлар конференцияларини ўтказиш учун катта имконият яратиб берди. Ҳозирги кунда конференциялардан ташқари сайловчилар учун лекциялар ҳам ўтказилмоқда.

Яқинда шаҳар Совети ижроия комитети раисининг ўринбосари депутат А. А. Росинский билан сайловчиларнинг учрашуви ўтказилди. Бунга жуда кўп сайловчи қатнашди. Ўртоқ Росинский сайловчиларга 1965 йилга бориб Чирчиқ шаҳрида қандай ўзгаришлар бўлиши, саноат корхоналари, уй-жой бинолари қурилишининг ривожланиши, маданий-маиший хизмат кўрсатишнинг яхшиланиши тўғрисида сўзлаб берди.

Яқинда сайловчилар СССР Олий Советининг депутати Гавҳар Ҳайдарова билан учрашдилар. У сайловчиларга СССР Олий Советининг II сессияси ва унда қабул қилинган қарорларнинг моҳияти тўғрисида сўзлаб берди. Сиёсий ва илмий билимлар тарқатувчи жамият Чирчиқ шаҳар бўлимининг лектори Ўртоқ Лучников «Коммунистик қурилишнинг буюк программаси» деган темада лекция ўқиди.

Социалистик Чирчиқ шаҳридаги саноат корхоналарининг коллективлари Ўзбекистон ССР Олий Совети ва маҳаллий Совет депутатлигига номзод қилиб, ўзларининг энг ишончли кишиларини кўрсатдилар. Улар 1 март — сайлов куни коммунистлар билан партиясизлар блокининг номзодлари учун якдиллик билан овоз берадилар.

Т. УНАБОЕВ.

Етти йиллик план топшириқларини тўла ва ошириб бажарамиз

(ЧИРЧИҚ ШАҲАР ПАРТИЯ АКТИВИ ЙИҒИЛИШИДАН)

Чирчиқ шаҳар партия ташкилоти активининг йиғилишида Тошкент область партия комитетининг биринчи секретари, съезд делегати Ўртоқ **С. Нуриддинов** «КПСС XXI съезди якунлари ва шаҳар партия ташкилотининг вазифалари» тўғрисида доклад қилди.

— Партиямизнинг яқинда ўз ишини тамомлаган навбатдан ташқари XXI съезди, — деди докладчи, — мамлакатимиз тараққиётининг етти йиллик улуғвор программасини белгилаб берди. Ижодий марксизм-ленинизм хазинасита бебаҳо ҳисса бўлиб қўшилган ва бундан кейинги ҳаракат қилишимизнинг перспективаларини аниқ кўрсатиб берган съезд шонли партиямиз сафларининг бузилмас бирлиги ва мустаҳкамлигини, коммунистлар ва партия ташкилотларининг активлиги ўсганлиги, жанговарлик қобилияти ошганлигини ҳамда бутун совет халқининг ўз жонажон Коммунистик партияси теварагига маҳкам жипслашганлигини кўрсатувчи қудратли намойишга айланди. Шу нарсани зўр мамнуният билан қайд қилиб ўтиш керакки, Ўртоқ Н. С. Хрушчевнинг докладини ва съезд қарорларини барча совет кишилари ва бутун прогрессив инсоният якдиллик билан маъқуллаб, ...

Сўнгра докладчи етти йилликда амалга оширилиши лозим бўлган улкан рақамлар, эртаги кунги истиқбол режалари ҳақида батафсил гапириб, етти йиллик мобайнида республикамиз халқ хўжалиги, шу жумладан Чирчиқ шаҳар экономикасининг юксалишига доир конкрет мисолларни келтирди.

Актив йиғилишининг қатнашчилари ўз сўзларида КПСС XXI съезди материалларининг буюк тарихий аҳамиятини, шаҳар меҳнаткашлари етти йиллик план топшириқларини ... ва ошириб бажариш учун ... йил бел боғлаб киришганликларини таъкидлаб ўтдилар, шу билан ... асосий эътиборни ҳал этилмаётган муҳим масалаларга қаратдилар. ... ҳисобат билан улар Тошкент ... ишлаб чиқаришнинг кенгаши ва Республика Госплани раҳбарларининг адресига баъзи танқидий мулоҳазаларни айтдилар.

— Корхонамиз коллективи — деди «Ўзбекиммаш» заводининг директори ўртоқ **Платонов**, — ўтган йилги планни ҳамма кўрсаткичлар бўйича муваффақиятли бажарди, маҳсулот ишлаб чиқариш 1957 йилга нисбатан 13 процент ошди. Шу етти йилликда корхонамиз олдида катта вазифалар турибди. 1965 йилга бориб, кимё ускуналари ишлаб чиқаришни кескин кўпайтириш имкониятига эгадир. Бироқ ишлаб чиқариш қувватини ошириш, корхонани фақат кимё ускуналари ишлаб чиқаришга ихтисослаштириш ўрнига, завод суръатни сунъий равишда секинлаштиришга мажбур бўлаётир. Биз шу пайтгача корхонани фақат кимё ускуналари ишлаб чиқаришга ихтисослаштира олганимиз йўқ. Чунки, заводимизга компрессор ишлаб чиқаришни ҳамон планлаштириб келмоқдалар. Уни бошқа бир корхонага юклаш мақсадга мувофиқ бўлур эди.

Ўртоқ Платонов корхона коллективи номидан ишонтириб айтдики, машиналозлар етти йиллик планни беш йил ичида бажариш учун бутун куч-ғайратларини сарфлажаклар. Бунинг учун бизда ҳамма имкониятлар мавжуд.

«Чирчиксельмаш» заводи партия бюросининг секретари ўртоқ **Мусин** партия XXI съезданинг қарорлари корхона коллективининг меҳнат ғайрати ва ижодий активлигини бениҳоя ошириб юборганлиги ҳақида гапирди. Ҳозир ҳамма цехларда якунларини муҳокама қилар эканлар, ўз зиммаларига оширилган мажбурият олиб ишламоқдалар ва етти йилликнинг биринчи йили планини 25 декабргача бажариш, қўшимча равишда юзлаб культиваторлар, трактор ва бошқа қишлоқ хўжалик машиналари учун 2 миллион сўмлик запас қисмлар ишлаб чиқаришга қарор қилдилар.

Электрокимё комбинати контрольўлчов асбоблари цехи партия бюросининг секретари ўртоқ **Мишчишин** ўз коллективининг коммунистик меҳнат цехи номини олиш учун қандай кураш олиб бораётганлиги тўғрисида сўзлаб берди.

Музокараларда чиқиб сўзлаган «Чирчиксельмаш» заводининг токари **Журавлев**, индустриал техникумининг директори **Сайдалиев**, химия комбинати ишчи таъминоти бўлимининг мудири **Ольмезов** ва бошқа ўртоқлар шаҳар меҳнаткашлари етти йиллик планни тўла ва ошириб бажариш учун қандай амалий иш қилаётганликлари, жумладан улар етти йилликнинг биринчи йили бўлган 1959 йил январь ойи планини муддатидан илгари адо этиб, пландан ташқари бир неча миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарганликлари ҳақида гапирдилар. Шунингдек нотиқлар партия XXI съезди қарорларини пропаганда қилиш, социалистик мусобақани янада авж олдириб юбориш ва коммунистик меҳнат бригадалари ҳаракатини бутун чоралар билан ривожлантириш ҳамда Чирчиқ шаҳрига яқин районларда йирик сабзавотчилик базаси вужудга келтириш муҳим аҳамиятга эга эканлигини кўрсатиб ўтдилар.

Шаҳар партия активи йиғилиши КПСС XXI съезди тарихий қарорларини якдиллик билан маъқуллаб, уни изчиллик билан амалга оширишга қаратилган кенг қарор қабул қилди.

В. СКОРОДУМОВ.

Агитаторлар сайловчилар хизматида

Сайловолди кампанияси қизғин тус олиб бораётган шу кунларда Оҳангарон район Облиқ посёлкасидаги 16-ўрта мактаб биносига жойлашган агитпунктда ҳам сайловга тайёргарлик ишлари тобора кучайтирилмоқда.

Агитпункт мудири Аҳмедов ва мактаб илмий бўлим мудири Ҳошимов ўртоқлар пропагандист ва агитаторлар билан ишлашни ҳар томонлама яхшиламоқдалар. Агитаторлар семинари мунтазам ўтказилиб турибди. Январь ойида 3 марта семинар ўтказилди. Семинарларда малакали пропагандистлар агитаторларнинг асосий вазифаларини уқтирдилар ва аҳоли ўртасида сиёсий агитация олиб бориш тажрибалари тўғрисида йўл-йўриқлар кўрсатдилар, илғор агитаторлар ўз тажрибаларини ўртоқлашдилар.

Кўп йиллардан бери агитаторлик қилиб келаётган ўқитувчилардан А. Сировев, С. Аминов, Л. Юсупова, Ш. Саймуротова ўртоқлар агитпунктда оммавий-сиёсий ва маданий тадбирларни амалга оширишда ҳам, уйма-уй юриб меҳнаткашларга сайловлар тўғрисидаги Низомларни, совет гражданларининг ҳуқуқ ва бурчларини, XXI съезд материалларини тушунтиришда ҳам активлик кўрсатмоқдалар. Улар депутатликка номзоди кўрсатилган кишиларнинг таржимаи ҳоли ва иш фаолияти билан ҳамма сайловчиларни пухта таништириш учун курашмоқдалар.

Т. ШЕРАЛИЕВ.

Сайловчилар Ўзбекистон ССР Олий Совети депутатлигига кандидатлар билан учрашмоқдалар

Ўзбекистон сайлов округларида меҳнаткашларнинг Ўзбекистон ССР Олий Совети депутатлигига кандидатлар билан учрашувлари зўр сиёсий активлик вазиятида ўтмоқда. Сайловолди йиғилишларининг қатнашчилари республика давлат қонимияти олий органларига овозга қўйилиш учун рўйхатга олинган коммунистлар билан партиясизлар блоки кандидатларини ёқлаб овоз беришга тайёр эканликларини якдиллик билан айтмоқдалар. Меҳнаткашлар депутатликка кўрсатилган кандидатларга наказ бериб, етти йиллик план топшириқларини муваффақият билан амалга оширишга қаратилган амалий таклифларни киритмоқдалар.

Ўзбекистон ССР Олий Совети депутатлигига кандидатлар — тўқимачилик комбинатининг тўқувчиси **Садди Пўлатова** ва шу корхона директори **Зикрулла Абдуллаевич Абдуллаев** билан учрашиш учун Тошкент шаҳар Дзержинский ва Завод сайлов округларининг бир мингдан ортиқ меҳнаткашлари тўқимачиларнинг Маданият саройида тўпландилар. Сайловчилар ўзлари кўрсатган кандидатлар ҳақида ҳурмат билан гапирдилар. Улар Садди Пўлатова республиканинг тўртинчи чақириқ Олий Совети депутати бўлиб, халқ ишончини шараф билан оқлаганлигини таъкидладилар. Садди Пўлатова тўқимачилар кўрсатган кўпгина кимматли ташаббусларнинг ташкилотчиси бўлиб, сайловчиларнинг эҳтиёжлари ва талабларига сезгирлик билан қулоқ солмоқда. Тошкент тўқимачилари коммунист Садди Пўлатова КПСС XXI съезданинг делегати бўлганлиги билан ҳаққоний суратда фахрланмоқдалар.

С. Пўлатова ва З. А. Абдуллаев ўзларига кўрсатилган ишонч учун сайловчиларга ташаккур билдирдилар ва бутун кучларини халқ хизматига сарф қилишларини айтдилар.

Ўзбекистон ССР фанлар академияси Ядро физикаси институтининг клубида Комсомол округи сайловчилари депутатликка кандидат — Ўрта Осиё давлат университети философия кафедрасининг мудири профессор **Наталия Митрофановна Мирошхина** билан учрашдилар. Округ меҳнаткашларининг вакиллари ўз кандидатларини республикаминг атоқли олимларидан бири, актив жамоат арбоби сифатида таърифладилар. Наталия Митрофановна, деб таъкидладилар сайловчилар, ўзининг қирқ йиллик фаолияти давомида Ватанга, Коммунистик партия ишига фидокорона хизмат қилиш намунасини кўрсатмоқда.

Н. М. Мирошхина ўз нутқида сайловчиларни ишонтириб, коммунизм улуғ ғояларининг тантанаси йўлида бундан буён ҳам тинмай меҳнат қилишга ваъда берди.

Жамбул сайлов округи меҳнаткашларининг кўп кишилик сайловолди йиғилиши бўлди. Бу йиғилишда депутатликка кандидат Қорасув районидаги Ленин номли колхоз раиси, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони **Турғоб Нормуҳаммедов** ўз сайловчилари билан учрашди. Йиғилиш қатнашчилари Т. Нормуҳаммедов колхоз ишлаб чиқаришининг, қобилиятли ташкилотчиси бўлганлиги ҳамда ўзи раҳбарлик қилаётган колхозни қолоқ хўжаликдан илгор ва юқори даромадли хўжаликка айлантирганлиги тўғрисида мамнуният билан гапирдилар.

Назарбек сайлов округида республика Олий Совети депутатлигига кандидат қилиб рўйхатга олинган Тошкент қишлоқ районидаги Ленин номли колхознинг донгдор сут согувчиси **Умри Аҳмедова** сайловчилар билан учрашди. Бу камтар меҳнаткаш аёлнинг номи пойтахт области колхозчиларига яхши маълумдир. У. Аҳмедова фидокорона меҳнат қилиб, жамоат чорвачилигининг маҳсулдорлигини йил сайин оширмоқда.

«Ўзбексельмаш» заводининг токари **Лидия Ивановна Мирюшкина**, Ўзбекистон ССР Сиёсий ва илмий билимларни тарқатувчи жамият правлениесининг раиси, республика фанлар академиясининг академиги **Иброҳим Мўминов**, Тошкент шаҳар Куйбишев район партия комитетининг биринчи секретари **Анна Ивановна Бродова**, Тошкентдаги 1-пойафзал фабрикасининг ишчиси **Эргаш Юсупов**, «Ташкенткабель» заводи директори Константин **Федорович Сафонов**, Тошкент шаҳар партия комитетининг секретари **Прокофий Маркович Сазонов** Ўзбекистон ССР Олий Совети депутатлигига овозга қўйиладиган округларда ҳам сайловчиларнинг ўз кандидатлари билан учрашуви бўлди. (ЎзТАГ).

Москвада Ўзбекистон санъати ва адабиёти декадаси

(БОШИ БИРИНЧИ БЕТДА).

— Азиз дўстлар, сизларни русча «добро пожаловать» («хуш келибсиз») сўзлари билан кутиб олар эканмиз, бундан кейинги учрашувларимиз ўзбек адабиёти ва санъатининг янада гуллаб-яшнаганлигини намоён қилишига аминмиз.

Москва тўқимачилари ўзлари тайёрлаган совғаларини Ўзбекистонлик меҳмонларга тақдим этдилар. Бу—гоят завқли бир пайт эди. В. И. Ленининг портрети тушириллган катта полотнони ёзиб, Эдфия уни баланд кўтарди ва шундай деб ҳитоб қилди:

— Қувончли ҳаётимиз учун, бахт-саодатимиз учун ана шу улуғ зотдан, у ташкил қилган партиядан миннатдормиз!

Сергей Смирнов учрашувнинг охирида бундай деди:

— Шоирлар шеър ёзган жойдагина эмас, балки Ватан бахт-саодати йўлида қилинаётган меҳнатда ҳам шеърият бор. Яшасин меҳнатдаги поэзия!

Кеча ўзбек санъати усталарининг катта концерти билан тамом бўлди.

Ўзбекистонлик меҳмонлар кеча пойтахтнинг бошқа йирик корхонаси — «Серп и молот» заводида ҳам бўлдилар. Москва металлургларининг шонли коллективи Ўзбекистон бадиий ҳаваскорлик коллективлари қатнашчиларини, Ўзбекистоннинг ҳамма областларидан декадага келган халқ талантларини самимий кутиб олди. Корхона клубида «Шодлик тўғрисидаги поэма» спектакль-концерти қўйилди. Қўшиқлар, рақслар, бадиий ўқиш унинг программасига киритилган эди. Ана шу ёркин ва гўзал спектакль-концертда ўзбек халқининг улуғ Ватанимиздаги бошқа қардош халқлар билан ҳамкорликда, бутун мамлакат ишчилар синфининг зўр мадади билан жонажон ўлканинг табиатини қандай ўзгартираётганлиги, ҳали яқиндагина дашт бўлиб ётган ерларда сугориш каналлари қазиётганлиги, «оқ олтин» ҳосилини кўпайтираётганлиги ҳикоя қилинади. Шу ерда ҳозир бўлган кишилар спектакль-концерт қатнашчиларини кўп марта гулдурос қарсаклар билан табриклаб, спектакль-концертнинг ўзига хос хусусиятларига, ижрочиларнинг қобилиятига муносиб баҳо бердилар.

Москвадаги Чайковский номли консерваториянинг катта зали ўзбек композиторлари ва музикачиларини иккинчи марта қабул қилди. Ҳилма-хил программадаги симфоник концерт ижро этилди. И. Акбаровнинг «Шоир хотираси» симфоник поэмаси, А. Халиловнинг «Қорақалпоғистон кантатаси», Ғ. Қодировнинг поэма-балладаси, А. Козловскийнинг ўзбек рақс сюитаси, Д. Соатқуловнинг «Сайилга бориш» асари, А. Берлиннинг «Брест қаҳрамонлари» симфоник поэмаси ва бошқа музика асарлари жаранглади. Ўзбекистон ССР да хизмат кўрсатган артист Мардон Насимов ва Наби Халиловлар концертга дирижерлик қилиб, музикали пьесаларнинг чуқур моҳиятини очиб бера олдилар ва ана шу асарлар авторларининг фикрини тингловчиларга тўла англата олдилар. Концертда хор капелласи ва солистлар қатнашдилар.

Ўзбекистон давлат филармониясининг қўшиқ ва рақс ансамбли Чайковский номли концерт залида концерт берди. Бу ерда композиторлардан Ф. Содиқов, М. Насимов, Д. Зокиров, Х. Нишонов, Х. Тўхтасинов, Х. Раҳимовларнинг асарлари, шунингдек ўзбек, рус, афғон, озарбайжон, уйғур халқ қўшиқлари ва рақслари ижро этилди.

Темир йўлчилар марказий маданият уйида жаҳон халқлари кечаси гоят муваффақиятли ўтди. Ўзбек эстрадаси оркестри Москва эстрадаси театрининг тамошабинлар билан лиқ тўла залида ўз концертларини давом эттирди.

Декаданинг энг ёш қатнашчилари — Тошкентдаги хореография мактаби ва музика мактабларининг ўқувчилари пойтахт тамошабинларининг самимий муҳаббатига сазовор бўлдилар. Улар қаерга бормасин, ҳамма жойда москваликлар томонидан самимий кутиб олиндилар. Кеча ёш музикачилар тушган автобуслар «Каучук» заводи клубига келганларида ҳам худди шундай ҳол рўй берди. Ўзбек санъатининг келгусидаги намояндалари ҳаяжон билан саҳнага чиқдилар. Скрипкачиларнинг зўр маҳорат билан ижро этган асари тингловчиларни Муҳтор Ашрафийнинг «Ёшлар қўшиғи» билан таништирди. Етти яшар пианиночи Д. Мирсоатова фортепианода икки қўшиқни, унинг мактабдош дугонаси С. Хўжаева эса Григнинг «Норвеж рақси»ни ижро этди. Саида Йўлдошева, Алла Ким, Володя Юденич, Найли Раҳимов ва мактабларнинг бошқа ўқувчилари ҳам концертда қатнашдилар.

Ўзбекистон театрлари ўз спектаклларини такрор қўйиб бердилар. Большой театр саҳнасида М. Ашрафийнинг «Дилором» операси, МХАТ филиалида Ҳамза Ҳакимзоданинг «Бой ила хизматчи» спектакли, Кремль театрида Уйғун ва М. Левиевнинг «Олтин кўл» номли музикали комедияси, А. С. Пушкин номли театрда Н. Виртанинг «Беғоён далалар» пьесаси кўрсатилди. Тамошабинлар орасида пойтахт театр ва музика жамоатчилигининг кўзга кўринган намояндалари ҳам бор эди.

Политехника музейининг лекция залида «Бизнинг Ўзбекистонимизга келингиз» деган адабий кечасида кўп киши қатнашди. Бу кечани ёзувчи Константин Симонов очди. Ғафур Ғулом, Ҳамид Ғулом, Абдулла Қаҳҳор ва республиканинг бошқа адиблари ҳозирги Ўзбекистон учун характери бўлган ажойиб социалистик ўзгаришлар ҳақида зўр иштиёқ билан сўзладилар. Кеча концерт билан тамом бўлди.

Москвадаги Кино ўйида Ўзбекистон кинематография ходимларининг ижодига бағишланган кечалар ўтказила бошланди... «Мафтунингман» деган янги бадиий музикали фильм кўрсатилди.

Шу кунларда А. С. Пушкин номли давлат музейи залларини жуда кўп киши келиб тамоша қилмоқда. Бу музейда Ўзбекистон тасвириий санъати ва амалий халқ ижоди виставкаси очилган. Ўзбек рассомларининг полотнолари, графикларнинг, ҳайкалтарошларнинг, ёғоч ва ганч ўймакорларининг нақшкорлик, каштачилик усталари, гилам тўқиш усталарининг ишларига юксак баҳо берилмоқда. Тамошабинларнинг ўз фикрларини ёзиб қолдирадиган дафтарлардаги кўп хатлар буни исбот этади. Уларнинг баъзилари бир-бирига жуда ўхшаб кетган. Ана шу дафтарларда «Ҳаётбахш санъат», «Гўзал виставка!» деган сўзлар ёзилган. Бошқа хатларни ёзган кишилар ўз таассуротларини батафсил баён қиладилар: «Виставкага кўйилган нарсаларнинг ҳаммаси ўзбек халқининг қобилияти ва меҳнатсеварлигини, кишининг маънавий бойлигини ифода этади», «Мен илгари Ўзбекистоннинг тасвириий санъати шундай юксак даражага кўтарилган деб ҳеч қачон ўйламаган эдим», «Ўзбек халқи орасидан чиққан усталар ясаган буюмлар жуда манзур бўлди. Улар ясаган буюмлар совет кишисининг уйларини безата олади»...

В. И. Ленин номидаги давлат кутубхонаси залларида Ўзбекистон ССР китоб ва плакат виставкаси ҳам очилган. Виставкани жуда кўп киши тамоша қилмоқда.

Декада қатнашчилари спектакллар, концертлар ва адабий кечалар ўтказилмаган вақтларда Москва бўйлаб экскурсия қилмоқдалар. Улар ҳамма жойда самимий, меҳмондўстлик билан кутиб олинмоқдалар.

Р. САҲИБОЕВ, Л. СЛИВКИН, Б. БЕРЕЗСКИЙ, Н. МОИСЕЕВ.

КИНЕМАТОГРАФИЯ КЕЧАСИ

18 февралда Москвадаги Кино уйида Ўзбекистон кинематографиясининг биринчи кечаси бўлди. Залга декадада иштирок этаётган Ўзбекистон кино ходимлари ва Москва кинематографиячилари тўпландилар.

РСФСР халқ артисти кинорежиссёр С. Юткевич Ўзбекистон киносанъати босиб ўтган йўлни қисқача характерлаб берди. Бадиий кинематография ходимлари номидан СССР халқ артисти М. Ромм, совет ҳужжатли киночилари номидан ҳужжатли фильмлар Марказий студиясининг директори В. Головня меҳмонларни табрикладилар.

Ўзбекистон ССР Маданият министрининг ўринбосари С. Муҳамедов ва режиссёр Л. Файзиев пойтахтда ўзбек кино ходимлари самимий кутиб олинганликлари учун миннатдорчилик билдирдилар.

Шундан кейин бу ерда ҳозир бўлганлар ўзбек халқининг ўтмиши, унинг олимлари, шоирлари, ажойиб маданият ёдгорликлари, унинг ҳозирги бахтли ҳаёти тўғрисидаги ҳужжатли фильмни тамоша қилдилар. Бу фильм — «Ўзбекистонимизга келинг» деб аталади. Сўнгра «Мафтунингман» номли замонавий хушчақчақ комедия кўрсатилди. (ТАСС).

Ўзбекистон кинематографиячилари Ивановода

ИВАНОВО, 18 февраль. (ТАСС). Москвадаги Ўзбекистон санъати ва адабиёти декадасида иштирок этаётган бир группа кинематографиячилар кеча тўқимачилар шаҳрили келиб кўрдилар. «Центральний» кинотеатрида улар Иваново шаҳрининг ишчилари, мутахассислари, студентлари билан учраштилар.

Меҳмонларни шаҳар партия комитетининг секретари Е. Гаралик табриклади. Шаҳар совети ижроия комитети раисининг ўринбосари Е. Грачева меҳмонларга газламаларнинг намуналарини тақдим қилди. Бу газламалар Иваново тўқимачилари томонидан Ўзбек пахтасидан ишланган.

Сценарияҳи М. Мелкумов ва киноартист С. Диванов «Мафтунингман» номли музикали фильмни яратиш устида олиб борилган ишлардан гапириб бердилар.

Кеча охирида кино тамошабинлари «Ўзбекистонимизга келинг!» номли ҳужжатли фильмни кўрдилар.

Ер ва техникани экиш кампаниясига сифатли тайёрлаб, кўкламни шайланиб кутиб олайлик!



Ўрта Чирчиқ РТСида иш қизғин. Механизаторлар, ремонтчи ишчилар бир-бирлари билан мусобақалашиб ишлаб, қишлоқ хўжалиги машиналарини кўкламга пухта созлаш учун курашмоқдалар. Бу мусобақада токарь А. И. Голубеев олдингилар қаторида бораётир, у кундалик ремонт нормасини ортиги билан бажармоқда. Суратда: ўртоқ А. И. Голубеев иш устида.

М. Шевелев фотоси.

Бригадада механизациядан кенг фойдаланилмоқда

Қобилжон Эргашев ўз касбига меҳр қўйган уста универсалчи. У ёшлик чоғлариданоқ техникага қизиқиб уни ўрганишга интилди. Колхоз правлениеси Қобилжондаги бу қизиқишни ҳисобга олиб, тракторчилар мактабига йўлланма берди. Қобилжон Эргашев ўқишни муваффақиятли тугатиб, ўз колхозига трактор чи бўлиб қайтди. Шундан буён 18 йил ўтди. Қобилжон Генерал Раҳимов номли колхознинг далачилик бригадаларида ўз универсали билан узлуксиз меҳнат қилиб келмоқда.

Колхозчилар моҳир универсалчининг меҳнатидан жуда мамнун. Қобилжон экинларни парвариш қилиш, сабзавот уруғларини машина билан экиш, картошка кавлагич билан ишлаш каби муҳим ишларни пухта бажаради. У хизмат қилаётган далачилик бригадалари ишлаб чиқариш планларини йил сайин бажариб келмоқдалар.

— Қобилжон Эргашев, — дейди колхознинг тажрибали агрономи Ўртоқ Азиз Зияев, — ўз ишини яхши эгаллаб олган механизатордир. У картошкани машина билан экишнинг ташаббускори бўлди, маккажўхорини квадрат-уялаб экиш каби мураккаб ишни ҳам яхши уддалайди.

Колхоз правлениеси ўтган йили МТСдан ҳамма тракторларни ва қишлоқ хўжалик машиналарини сотиб олди, бу колхоздан етишиб чиққан механизаторлар ҳам ўз колхозларига доимий ишлашга келдилар. Трактор бригадасига механизатор Абдулла Ёқубов бригада механиги қилиб тайинланди. Колхоз правлениеси янги трактор парки учун бино, алоҳида темирчилик устахонаси қурди, тракторларни жорий ремонт қиладиган махсус станоклар ўрнатди.

Трактор бригадасининг аъзолари техникадан доимо унумли фойдаланмоқдалар. Тракторларнинг иш унуми ўтган йилларга нисбатан бир неча марта ортди.

1958 йили сабзавотчиликда ҳам машиналардан кенгроқ фойдаланиш, қўл меҳнатини камайтириш чоралари амалга оширилди. Машина билан 150 гектар ерга картошка, 69 гектар ерга квадрат-уялаб маккажўхори экилди ва икки томонлама ишланди. Шунингдек, картошка машиналар воситаси билан ўғитланди ва культивация қилинди, бу ишларнинг ташаббускори моҳир универсалчи Қобилжон Эргашев бўлди.

Колхоз правлениеси 1959 қишлоқ хўжалик йили учун план тузганда деярли кетмонсиз ишлайдиган ва чорва учун ем-хашак етиштириб берадиган алоҳида далачилик бригадаси ташкил килди, бу бригадага ўртоқ Қобилжон Эргашев бошлиқ қилиб тайинланди. Бригадага 100 гектар экин майдони ажратиб берилди, шундан 69 гектарига силос ва дон етиштириш мақсадида маккажўхори экилади. Бу бригадага 8 ишчи кучи ажратилди. Булар суғориш, ўғит ташиш каби ишларни бажарадилар.

Сабзавот, картошка етиштирадиган колхозларда далачилик бригадаларини трактор-далачилик бригадаларига айлантириш ишида ташаббускор бўлиб, колхозимиз механизаторлари яхши иш қилишди. Машиналардан, айниқса, универсаллардан унумли фойдаланиш билан мўл-кўл ем-хашак тайёрлаш мумкин. Бунинг натижасида етиштирилаётган маҳсулотнинг таннархи арзонлашади, кетмонсиз ишлаш аста-секин йўлга қўйилади.

— Партиямиз XXI съезди, — дейди трактор-далачилик бригадасининг бошлиғи ўртоқ Қобилжон Эргашев, — қишлоқ хўжалигини янада юксалтириш соҳасида улуғ программа белгилаб берди, биз бу йилдан бошлаб колхозимизда маҳсулот етиштиришда механизацияни кенг қўллаш, қўл меҳнатини камайтириш, кетмонсиз ишлашни йўлга қўйиш учун кураш бошладик. Мен ўзимга топширилган бу масъулиятли вазифани бажариш учун бутун кучимни сарф қиламан.

Ҳозир колхоз трактор-далачилик бригадасида кўкламга тайёргарлик ишлари деярли тугалланди, ерлар кузда шудгор қилиниб, ариқ-зовурлар чопилиб, тахт қилиб қўйилди, далага маҳаллий ўғит чиқариш қизғин бормоқда. Зарур миқдорда минерал ўғитлар ҳам жамғариб қўйилди.

Т. ОРИПОВ,

Калинин районидаги Генерал Раҳимов номли колхоз партия ташкилотининг секретари.

Юқори ҳосил етиштириш учун

Мирзачўл районидаги Ленин номли колхознинг ўртоқ Ботир Норбеков бошлиқ бригада аъзолари ўтган йили 60 гектар пахта майдонининг ҳар гектаридан 27 центнердан пахта ҳосили олиб, йиллик планни ортиги билан бажарган эдилар.

Бригадада бу йил ҳам ўтган йилги муваффақиятларни мустаҳкамлаш мақсадида қишки дала ишлари ҳар тарафлама уюшқоқлик билан ўтказилмоқда.

— Бу йил гектаридан олинадиган ҳосилни 2-3 центнерга оширамиз, пахта майдонини эса 80 гектарга етказамиз, — дейди бригада бошлиғи ўртоқ Норбеков.

Пахтакорларнинг шу кеча-кундузда ғайрат билан ишлаётганликлари бригада бошлиғининг сўзлари тўғри эканлигини кўрсатиб турибди. Ҳозиргача 300 тоннага яқин маҳаллий ўғит жамғарилиб, сифатли шудгор қилинган ерларга ташиб чиқарилди. Бу соҳада аравакашлардан Қ. Бегимқулов, М. Амирқулов ўртоқлар ташаббус кўрсатиб ишламоқдалар. Бригадада сугориш шохобчалари ҳам тартибга солинган. Техника ремонтини эрта тамомлаш мақсадида қизғин иш олиб борилмоқда.

Б. СОИБНАЗАРОВ.

Далалардан дараклар

ЎРТА ЧИРЧИҚ. Райондаги Киров номли совхозда коммунист ўртоқ Насиба Аҳатова бошчилигида коммунистик меҳнат бригадаси ташкил қилинган. Ҳозир бригада аъзолари пахтадан мўл ҳосил олишни таъминлайдиган барча ишларни зўр уюшқоқлик билан олиб бораётирлар.

У. Ҳасанов.

* * *

БЎКА. Мўл-кўл ҳосил етиштиришнинг мустаҳкам пойдевори ерни чигит экишга эрта ва сифатли тайёрлаб қўйишдир. Шунинг учун Сталин номли, «Ленинобод» ва «Октябрь 40 йиллиги» колхозларининг аъзолари кўкламга тайёргарлик ишларининг асосий қисмини тугаллаб қўйдилар. Ҳозир далага ғўнг ташилмоқда.

Ж. Султонов.

* * *

БЕКОБОД. Яқинда К. Маркс, Энгельс ва Ленин номли колхоз активларининг йиғилиши бўлди. Йиғилиш қатнашчилари колхозлар экономикасини янада мустаҳкамлаш учун бу уч колхозни бирлаштиришга қарор қилдилар. Йиғилишган колхозга Ленин номи қўйилди. Ҳозир колхозчилар партия XXI съезди қарорларидан илҳомланиб, дала ишларини ҳартарафлама кучайтириб юборадилар.

З. Хатамов.

* * *

ЯНГИЙЎЛ. Бу йил 78 гектар ерга квадрат-уялаб чигит экиб, 45 центнердан ҳосил етиштирамиз! — дейишади Свердлов номли колхознинг ўртоқ Ш. Файзуллаев бошлиқ бригада аъзолари.

Ўтган йили гектаридан 40 центнердан ҳосил олган бу бригада аъзолари ўз мажбуриятларини бажариш учун астойдил курашмоқдалар.

Ғ. Абдуллаев.

ДАЛА ИШЛАРИ КУНДАЛИГИ

Барча техника кўклам экиш кампаниясига тахт қилиб қўйилсин

Узбекистон КП Марказий Комитетининг «Колхоз ва совхозларда техникани кўкламги экишга тайёрлашнинг бориши тўғрисида» деб чиқарган қарорида республикамиз бўйича 1 февралгача ҳайдов тракторларининг фақат 63 процанти, чопиқ тракторларининг 50 процанти, плугларнинг 65 процанти, сеялкаларнинг 45 процанти ва ер текислайдиган машиналарнинг 50 процанти экиш кампаниясига тахт қилинганлиги, бу мутлақо талабга жавоб бермаслиги кўрсатилган.

Ана шу камчиликлар областимиз колхоз ва совхозларида ҳам давом этмоқда. Раҳбарлар ҳали вақт эрта, улгирамиз деган нотўғри кайфият билан техника ремонти ишларини ҳаддан ташқари кечиктирмоқдалар. Бунга Боёвут, Бекобод, Уртасарой, Верхне-волинск районларидаги колхоз ва совхозларда юз бераётган аҳвол яққол мисол бўла олади.

Номлари тилга олинган районларда механизаторларга қулай иш шароити яратиб бериш, уларни узлуксиз запас қисмлар билан таъминлаб туриш каби энг муҳим соҳаларга эътиборсизлик билан қаралмоқда. Бекобод районида ҳозирга қадар 188 та турли маркали тракторлардан 78 таси, совхозларда эса 456 та трактордан 228 таси ремонтдан чиқарилган, холос. Район колхозлари ва совхозларида плуг ва сеялкаларни ремонт қилиш ва янги усулга мослаштириш ишлари ҳам ўлда-жўлда ётибди. Колхозларда 77 та сеялкадан 8 таси, совхозларда эса 219 та сеялкадан 101 таси мавсумга тахт қилинди. РТСлар ихтиёрида бўлган 53 та сеялкадан фақат 20 таси тайёрланди. Верхне-волинск районида айниқса аҳвол ачинарли. Колхоз ва совхозларнинг раҳбарлари ўз вазифаларига ҳаддан ташқари совуқконлик билан қарамоқдалар. Утган йили йўл қўйилган хато ва камчиликлардан ҳалигача тегишли хулоса чиқариб олмаганлар. Техникадан тўғри ва унумли фойдаланилмаганлиги сабабли 1135 гектар ер шу вақтгача шудгор қилинмаганлиги устига техника ремонтининг нечиниши чидаб бўлмайдиган бир ҳолдир. Район колхозларида шу кунгача 141 та турли хил марнали трактордан 48 таси, «Гулистон» ва «Социализм» совхозларида эса 173 та трактордан 135 таси ремонт қилинганлигини қандай баҳолаш мумкин?

Район колхозларида сеялкаларни ремонт қилиш графиги эндигинг 21, совхозларда эса 46 процент бажарилибди. Бундай ачинарли аҳвол на район раҳбарларини ва на колхоз, совхозларнинг раҳбарларини ташвишга солади. Агар аҳвол шу зайилда кетаберадиган бўлса, худди ўтган йилги сингари чигит экиш кампанияси ҳаддан ташқари чўзилиб кетиши ва ғўза парвариши даврида катта камчиликларга йўл қўйилиши турган гап.

Уртасарой райони пахтакорлари ўтган йили йиллик давлат планини бажара олмадилар. Шу билан областни орқага тортдилар. Бунга асосан техникининг ўз вақтида ремонт қилинмаганлиги ва ғўза парвариши даврида ундан унумли фойдаланилмаганлиги сабаб бўлди. Наҳотки улар бултурги ана шу аччиқ сабоқлардан бу йил тегишли хулоса чиқариб олмаган бўлсалар! Районда 306 та универсалдан эндигина 68 таси ремонт қилиниб, берилган топшириқ 22 процент бажарилибди. 117 та сеялкадан ҳалига қадар бирортаси ҳам тахт қилинмабди. Шундай бўлгач, бу йил ҳам ўтган йилги камчиликлар такрорланиши мумкин!

Узбекистон КП Марказий Комитетининг колхоз ва совхозларда техникани кўкламги экишга тайёрлашнинг бориши тўғрисидаги қарорида «Ҳарбир колхоз, совхоз ва РТСда конкрет вазиятга қараб, техникани тайёрлашни тугаллаш графиги ишлаб чиқилиши лозим. Керак бўлган жойларда устахоналарни икки сменада ишлашга ўтказиш, ремонт ишига керакли миқдорда механизаторларни қўшимча жалб қилиш, уларнинг меҳнатини тўғри ташкил этиш ва уларга қулай ишлаб чиқариш ва маиший шароит яратиб бериш зарур» деб кўрсатилган.

Бекобод, Боёвут, Верхне-волинск, Уртасарой, Мирзачўл, Гулистон каби қатор районларнинг раҳбарлари ана шундан ўзларига тегишли хулоса чиқариб олиб, йўл қўйилаётган камчиликларни тезда бартараф қилишлари, техника ремонтини барвақт тугаллаб, чигит экиш кампаниясини ҳар тарафлама шай ҳолда кутиб олишлари керак.

Комсомол-ёшларнинг намунали ишлари

Ўртоқ Чинпўлат Жўраевни Чилоз районидаги «Қизил Октябрь» колхози аъзолари ҳурмат қиладилар. У бошлиқ комсомол-ёшлар бригадаси аъзолари ўтган йили 37 гектар ернинг ҳар гектаридан давлатга 33 центнердан пахта топшириб, йиллик планни биринчилар қаторида бажарган эдилар.

Комсомол-ёшлар бригадаси бу йил ҳам пахтадан юқори ҳосил етиштириш иштиёқи билан кўклам чигит экиш кампаниясига ҳар тарафлама пухта тайёргарлик кўрмоқдалар. Улар пахта майдонларини вақтида сифатли шудгор қилиб, ариқ-зовурларни тозалаб қўйганлар. Шу кунларда эса мўл ҳосил гарови бўлган маҳаллий ўғит тўплаш ва уни далага ташиб чиқариш ишлари кучайтирилмоқда. Комсомол-ёшлар Янгийўл районидаги Ленин номли колхоз комсомол-ёшларининг «Маҳаллий ўғит далага!» деб бошлаган ташаббусларидан ўрнак олмоқдалар.

Колхозлинг бошқа бригадаларидаги комсомол-ёшлар ҳам ўртоқ Чинпўлат Жўраев бригадасидан намуна олиб, дала ишларини кучайтириб юборадилар. Кўплаб маҳаллий ўғит жамғаришга киришдилар. Ҳозир колхоз бўйича 5 та юк машинаси, 17 та арава ғўнг ташимоқда. Э. Эшев, Н. Матқобулов, Р. Исмоилов каби комсомол-ёшлар бу соҳада астойдил меҳнат қилиб, мақтовга сазовор бўлаётирлар.

К. ДОВУРБОЕВ.

АГРОНОМ МАСЛАҲАТИ

Ерда кўпроқ нам тўплайлик

Кўп йиллик тажриба шуни кўрсатадики, пахтадан мўл ҳосил етиштиришнинг асосий омилларидан бири чигитни эрта баҳорда ёппасига ундириб олиш, шунингдек ҳар гектар ерда кўчатларнинг зарур қалинликда бўлишига эришишдир. Бунинг учун эса ерда етарли даражада нам бўлиши шарт. Ерда нам етарли бўлмаса, кейинчалик чигит суви беришга тўғри келади. Шуни унутмаслик керакки, чигит суви берилган тақдирда, чигит жуда кеч униб чиқади. Кўп ҳолларда эса кўчат қаттиқ эзилган бўлади. Бундай ерларда ғўзани икки томонлама ишлаш даврида кўп қийинчиликларни енгишга тўғри келади.

Чигит суви беришнинг зарарли томонларидан яна бири шуки, тупроқ ҳаддан ташқари захлатиб юборилади. Натижада ғўза ёш давридаёқ сувхўрда бўлиб қолади. Бу, ўз навбатида кўчатларнинг ривожланишини бирмунча сустлаштиради, шунингдек ғўзанинг остки шохлари ғовлаб кетади, ўсимлик илдиз системасининг ривожланишига путур етказилади. Буларнинг ҳаммаси ҳосилдорликнинг камайиб кетишига сабаб бўлади.

Бу йил областимиз колхоз ва совхозларида асосий майдонларга чигит квадрат-уялаб экилади. Шунинг учун ҳам тупроқда етарли даражада нам тўплаш асосий масалалардан биридир. Сабаби, кузда ёғингарчиликнинг кам бўлиши, қишнинг илиқ келиши туфайли ерда нам етарли бўлмай қолди. Шундай экан, колхоз ва совхозларда барча зарур тадбирларни амалга ошириб, тупроқда кўпроқ нам тўплашга эришиш керак. Тупроқда нам тўплаш учун эса қўшимча суғоришни кучайтириш талаб қилинади.

Бу муҳим агротехник тадбир областимизда қандай бажарилмоқда. Фактлар кўпгина колхоз ва совхозларда запас суғоришга етарли даражада эътибор берилмаётганлигини кўрсатмоқда. Боёвут, Бекобод районларининг ер шароитида қўшимча суғориш. айниқса катта аҳамиятга эгадир. Негаки, бу районларда тез-тез шамол бўлиб туради, тупроқдаги нам кўтарилиб кетади. Шунингдек Октябрь, Чиноз, Янгийўл сингари сизот сувлари чуқур бўлган районлардаги колхоз ва совхозларда ҳам қўшимча суғоришни ҳар тарафлама кучайтириб юбориш зарур. Бироқ шунга қарамай, мазкур районлардаги кўпгина хўжаликларда запас суғоришга мутлақо эътибор берилмаётир. Шуни унутмаслик керакки, запас суғоришни кучайтириш билан қишлоқ хўжалик зараркунандаларига қарши кураш чораларини ҳам кўрган бўламиз, қўшимча суғориш натижасида ҳар хил қишлоқ хўжалик зараркунандалари, бегона ўтларнинг тухуми бир қадар қириб ташланади.

Область бўйича кам деганда 55,6 минг гектар ер қўшимча суғорилиши планлаштирилган. Районлар, колхоз ва совхозлар раҳбарларининг эътиборсизлиги туфайли бу план жуда суст бажарилмоқда. Масалан, 10 февралгача бўлган маълумотга қараганда ҳаммаси бўлиб 5661 гектар ер қўшимча суғорилган. Шундан 5196 гектар ер колхозларга, атиги 465 гектар ер совхозларга тўғри келади. Бундан кўриниб турибдики, колхозларда запас суғориш ишига амалда киришилмаган. Бундай аҳволга эндиликда чек қўйиш зарур. Барча зарур тадбирларни амалга ошириб, колхоз ва совхозларда запас суғоришни ҳар тарафлама кучайтириб юбориш шу кундаги асосий вазифаларимиздан биридир.

Район қишлоқ хўжалик инспекцияларининг бош агрономлари, совхоз ва колхозларнинг агрономлари билан ҳамкорликда иш юритиб, запас суғоришни кучайтириш юзасидан конкрет планлар тузиб чиқишлари зарур. Ҳар бир колхоз ва совхозда запас суғориш талаб қилиналиган ерлар аниқланиши, бу ерларни яқиндаги каналлар, ариқларнинг сувидан фойдаланиб, суғоришнинг чора ва тадбирлари кўрилиши керак. Сизот суви яқин бўлган майдонлар, шўри ювилган ерларда, шунингдек чигит суви берилмаса ҳам кўчатларнинг ёппасига униб чиқиши учун нами етарли эканлигига ишонилган ерларда запас суғориш ўтказилмайди.

Ҳайдалган ерларда қўшимча суғориш чуқур эгат орқали, махсус трактор окучниклари ёрдамида ўтказилади. Кузда ҳайдалмаган ерларда эса вегетация даврида сақланиб қолган эгатлар орқали запас суғоришни ўтказиш тавсия қилинади. Бир гектар ерга 800 минг кубометр ҳажмда сув қуйиш норма қилиб белгиланади. Бунда ишнинг сифатига алоҳида аҳамият бериш, барча ерларнинг текис намланишига эришиш, шунингдек карта охирлари ёки бошларини ҳаддан ташқари захлатиб юборилишига йўл қўймаслик талаб қилинади. Шундай қилинса, нам ҳамма ерга бир текисда сингиб, тупроқнинг ўз вақтида етилишига замин ҳозирланади.

Ҳар бир колхозда қўшимча суғориш учун энг яхши сувчиларни танлаб олиб, зарур миқдорда техника кучларини ажратиш керак. Ҳамма ерда суғоришни 15 мартдан кечикмасдан тугаллаш учун ишни икки сменада ташкил этиш мақсадга мувофиқдир. Суғоришдан сўнг тупроқ етилгач, эрта баҳордан бошлаб, бороналашни кучайтириб юборишни ҳам унутмаслик зарур. Бороналашни суғориш эгатларига нисбатан тикка қилиб ўтказиш керак. Ҳар ёмғирдан сўнг бороналаш — ерда намни сақлашнинг муҳим тадбирларидан ҳисобланади. «ДТ-54», «НАТИ», «КД», «КДП-35» маркали ўрмаловчи тракторларга икки қатор қилиб борона тиркаб бороналаш яхши натижа беради.

Бу ишга ҳам ҳозирдан бошлаб пухта тайёргарлик кўриш, колхоз ва совхозларда бороналар, прицеплар сонини аниқлаш, уларни сифатли ремонт қилиб, мавсумга тахт қилиб қўйиш лозим. Шунингдек бороналашни ўтказиш учун қанча миқдорда трактор талаб қилинишини ҳам аниқлаб қўйиш, зарур бўлган тақдирда эса бу ишга от-уловларни ҳам жалб қилиш чораларини кўриш керак.

Район партия комитетлари ва район ижроия комитетлари, район қишлоқ хўжалик инспекцияларининг раҳбарлари, ходимлари мўл ҳосилга тайёргарлик кўришнинг муҳим тадбирларидан бири запас суғориш, ерда кўпроқ намни тўплашда колхоз ва совхозларга амалий ёрдам беришлари, ишнинг сифати устидан узлуксиз контроль қилиб боришлари лозим.

Барча колхоз ва совхозларда қўшимча суғоришни ҳар тарафлама кучайтириб юборайлик. Эрта баҳорда чигитни ҳамма ерда ёппасига ундириб олиш учун ерда кўпроқ намни тўплашга эришайлик.

А. КОЛГИНА,

область қишлоқ хўжалиги бошқармасининг бошлиғи.

Чет эллларда

ВЬЕТНАМ МЕҲНАТКАШЛАР ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИНИНГ ПЛЕНУМИ

ХАНОЙ, 18 февраль. (ТАСС). Бугун матбуот Вьетнам меҳнаткашлар партияси Марказий Комитетининг 17 февралда бўлиб ўтган пленуми ҳақида хабар бермоқда. Пленум Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг XXI съездида қатнашган Вьетнам меҳнаткашлар партияси Марказий Комитети делегация аъзоларининг докладларини эшитди.

Делегация бошлиғи, Вьетнам меҳнаткашлар партияси Марказий Комитетининг раиси ва бош секретари Хо Ши Мин XXI съезднинг якунлари тўғрисида доклад қилиб, бу съезднинг катта тарихий аҳамиятини уқтириб ўтди. Съезд иштирокчиси Хоанг Ван-хоан пленум қатнашчиларига СССР етти йиллик планининг муҳим проблемаларини ва Н. С. Хрушчевнинг съездда қилган докладининг асосий масалаларини баён қилиб берди.

Вьетнам меҳнаткашлар партияси Марказий Комитетининг пленуми КПСС XXI съезднинг муваффақиятини қизғин табриклади ҳамда аҳоли ўртасида съезд якунлари тўғрисида суҳбатлар ўтказиш ва унинг материалларини ўрганишни ташкил этиш тўғрисида қарор қабул қилди.

ВЕНГРИЯ ХАЛҚ РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ МАЖЛИСИНИНГ СЕССИЯСИ

БУДАПЕШТ, 18 февраль. (ТАСС). Бугун эрта билан бу ерда Венгрия Халқ Республикаси Давлат мажлисининг навбатдаги сессияси ўз ишини бошлади. Сессияни Давлат мажлисининг раиси Шандор Ронаи очди. Унинг таклифига биноан, депутатлар кун тартибини бир овоздан тасдиқлайдилар. Кун тартибида қуйидаги масалалар бор: Ҳукуматнинг фаолияти тўғрисида Венгрия Халқ Республикаси Министрлар Совети раисининг ҳисоботи, Совет ҳукуматининг Германия билан сулҳ шартномаси тузиш тўғрисида 1959 йил 10 январда қилган таклифи муносабати билан Давлат мажлисининг қарори лойиҳасини муҳокама қилиш, Венгрия Халқ Республикасининг 1959 йилги бюджетини муҳокама қилиш, Венгрия Халқ Республикаси бош прокурорининг ҳисоботи.

Кун тартибидаги биринчи масала юзасидан Венгрия Халқ Республикаси Министрлар Советининг раиси Ференц Мюниих доклад қилди.

Корейс халқининг манфаатларини кўзлаб

ПХЕНЬЯН, 18 февраль. (ТАСС). Корея Халқ Демократик Республикаси марказий банкининг директори Ли Бен мамлакатда пул айирбошлаш муваффақиятли равишда тугаллангانлиги тўғрисида баёнот берди.

Корея Халқ Демократик Республикаси Министрлар кабинетининг топшириғига мувофиқ, дейилади баёнотда, Корея марказий банки 13 февралдан 17 февралгача янги пулларни муомалага чиқарди ва эски пулларни янгиларига айирбошлашни муваффақиятли ўтказди.

Ҳукуматнинг пул айирбошлаш тўғрисидаги қарорини, деди Ли Бен, бутун корейс халқи табриклямоқда ва қўллаб-қувватламоқда. Чунки бу тадбир халқ манфаатларига жавоб беради ва мамлакат халқ хўжалигининг тез ривожланиши, нархларнинг тобора камайтирилиши ва аҳолининг ҳарид қобилиятининг систематик суратда оширилиши асосида амалга оширилди.

Ли Бен валютанинг айирбошланиши тўла пул ислоҳотини билдирмайди, деб таъкидлаб, валюта айирбошлашдан мақсад молиявий операциялардаги ҳисоб-китобни енгиллаштириш ва турли қимматга эга бўлган банкнотларни рационалроқ чиқаришдан иборатдир, деди. Янги пул чиқарилиши Корея Халқ Демократик Республикаси партия ва ҳукумати юргизаётган молиявий сиёсатнинг ғалабасидан далолат беради.

Уммон курашни давом эттирмоқда

ҚОҲИРА, 18 февраль. (ТАСС). Уммон имомининг Қоҳирадаги ваколатхонаси Уммондаги уруш ҳаракатлари тўғрисида баёнот эълон қилди. Баёнотда кўрсатилишича, Уммон ватанпарварлари жойлаштириб қўйган миналарга дуч келиб, Низва районида инглизларнинг 6 автомашинаси ва 8 та вездеходи портлаб кетган. Аввобий районида инглиз соқчи отряди Уммон партизанларининг пистирмасига тушиб қолган. Инглиз солдатларидан 15 киши ўлдирилган ва 25 киши ярадор бўлган. Шунингдек 6 автомашина аксон қилинган. Арасил, Алжила ва Фароқ районларида бўлган жанглар давомида Уммон ватанпарварлари инглиз солдат ва офицерларидан 16 кишини ўлдирганлар ва ярадор қилганлар. Оккупантларнинг 9 автомашинаси ва вездеходи нобуд бўлган.

Камбоджа миллат мажлисида

ПНОМ-ПЕНЬ, 18 февраль. (ТАСС). Камбоджа миллат мажлиси ҳозирги информация ва планлаштириш министри Мау Сайга ишончсизлик билдиришга бир овоздан қарор қилди. Мау Сай хоинларни бекитишда айбланган. Хабардор доираларнинг таъкидлашича, Мау Сай СЕАТО ёрдами билан Камбоджада давлат тўнтариши қилишга уринган Сам Сари фитначилик гуруҳи билан бевосита боғланган.

АҚШ аҳолисининг сони

НЬЮ-ЙОРК, 18 февраль. (ТАСС). Юнайтед Пресс Интернешнл агентлигининг Вашингтондан билдиришича, рўйхат бюросининг эълон қилишига кўра, АҚШ аҳолисининг сони 1959 йил 1 январда 175,602 минг кишини ташкил этган.

Бюронинг ахборотида айтилишича, 1958 йилда Қўшма Штатларда аҳолининг ўсиши кейинги 12 йил ичида энг кам бўлган. 1958 йилда янги туғилганларнинг сони 1957 йилдагига қараганда 52 минг киши кам бўлган.

ДЕКАДА ФИЛЬМИ

Экранда минг тўққизюзинчи йиллардаги Тошкент шаҳрининг манзараси намоён бўлади. Қадимги шарқ экзотикасини эслатадиган бозор. Ҳамма ўзи билан овора. Гавжум бир кулбада ўйнонган Александр Башилов бугуноқ полиция маҳкамасига бориши керак. Асли тошкентли бўлган Александр Москвадаги қишлоқ хўжалик институтини тугатиб, инженер-ирригаторлик ихтисосини эгаллаган, лекин илғор фикрлари, эрксеварлиги учун, студентларнинг намойишларида, яширин революцион ҳаракатда қатнашганлиги учун бадарга қилинган эди. Жандарма бошлиғи унинг анкеталарига қараб, бу «хавфли» одамни янада узоқроқ жойга, қуш учса қаноти, одам юрса оёғи қуядиган жойга сургун қилишга қарор беради. Кўп ўтмай у Мирзачўл даштидаги хароба қишлоқлардан бирига етиб келади. Александр Башилов бу ерда ҳам меҳнаткашларнинг ночор, қувончсиз, мусибатли ҳаётини кўради. У бир фожиали воқсанинг устидан чиқиб қолади. Халқ қонини ичиб ётган Давронбек чор амалдорлари билан тил бириктириб исёнкор камбағал деҳқон Ҳакимни Сибирга сургун қилади. Бу ҳам унинг ҳирсини қондирмайди. Онаси очликдан, касалликдан вафот этган, отаси Сибирга сургун қилинган, ҳали она сутига тўймаган маъсум чақалоқ — Ботирни қақраб ётган ариқда, жазирамада ўлдирмоқчи бўлади. Лекин чақалоқнинг бахтига саховатли киши Александр Башилов келиб қолиб, уни ўз фарзандидек боқиб, катта қилади.

Фильмнинг кейинги кадрларида Александр Башиловнинг эзилган халқ билан елкама-елка туриб, олий мақсадлар учун кураши, Мирзачўл ерларига сув чиқариш йўлида завқ-шавқ билан меҳнат қилиши, бу чўлга ҳам ўзининг машъум човтини солган адолатсизлик ва зулмга қарши халқ курашига қўшилиб кетганлиги, камбағал деҳқонларнинг содиқ дўсти, самимий маслаҳатгўйи сифатида обрў қозонганлиги ҳикоя қилинади. Александр Башилов ғаддор бой Давронбекнинг кайфу-сафо, роҳат-фароғат, шароб ва сатранж, пул ва мол ваъда қилиб, «менинг ҳузуримга келинг, мен учун ишланг, камбағал ғадолардан рўшнолик кўрмайсиз», деб қилган таклифларини рад этиб, меҳнаткашларнинг уқубатли, қисматига шерик бўлади. Кўп ўтмай унинг севгилиси Елена ҳам етиб келади. Улар ҳаётнинг аччиқ-чучугини бирга тотадилар. Ботирни ардоқлаб тарбия қиладилар.

Сценарийстлар Ю. Герман ва Б. Рест, режиссёр Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист З. Собитов, оператор Н. Рядовлар синфий зиддиятларнинг беомон кураши остида ўтадиган ижтимоий воқеалардан энг таъсирли, ҳаяжонли эпизодларни танлаб олганлар.

Рус халқининг халоскорлиги, бошқа халқларга оғаларча ёрдами, революцион ҳаракатнинг кучайиши, эксплуататорларнинг инқирозга юз тутиши, уларнинг жон халпида кучли қаршилик кўрсатиши, ўзбек деҳқонларининг ўз золимларини ағдариб, бахтли ҳаёт сари қадам қўйиши, босмачиларни тор-мор этиши, янги авлоднинг порлоқ истиқболини кўрсатувчи воқеалар занжири кадрма-кадр кучайиб, тамошабинни гоҳ натиқобга солиб, гоҳ ҳаяжонлантириб, гоҳ қувонтириб, гоҳ кулдириб боради.

Камтар, адолатни, халқнинг қувончини ҳар нарсадан ортиқ деб билган Александр Башилов образини яратган ёш талантли артист Г. Юхтин, бой зулмига қарши исён кўтарган, сургунда катта ҳаёт ва кураш мактабини ўтган, революция жангларида актив қатнашган, босмачиларни тугатиш учун юборилган отрядга бошлиқ бўлган, ўз ўтлининг ажойиб ишларидан севинган, набирасининг порлоқ келажагини кўриб қувонган Ҳаким ролини ўйнаган артист М. Қосимов мукаммал образлар ярата олганлар.

Эпизодик персонажлар бўлишига қарамасдан тамошабин хотирида узоқ сақланиб қоладиган Уста Сафар, Абдулла ота, Эргаш акаларнинг ёрқин қиёфаларини намойиш қилган артистлардан Р. Ҳамроев, Н. Эшмуҳамедов, Ж. Тожиев, эзилган кекса деҳқонлар образини яратган истеъдодли артистларимиздан С. Табибуллаев, Ж. Тожиевлар ҳам оригинал, темпераментли образлар яратганлар.

Фильм ғоясини тўғри очиб беришга хизмат қиладиган икки образга алоҳида тўхтаб ўтиш керак. Буларнинг бири Ўзбекистон ССР халқ артисти Олим Хўжаев яратган Давронбек образи бўлиб, у ўзбек кинематографияси яратган салбий образлар галереясининг салмоқли вакилларидан бўлиб қолади. Давронбек меҳнаткашлар қонини сўриб ётган, зулми ҳаддан ошган, шу билан бирга тадбирли, саводли, ҳатто инглизчани ҳам биладиган, зарур бўлиб қолса халқини, ватанини сотиб юборадиган, раҳмсиз жаллод ва ўжар бой сифатида Олим Хўжаев томонидан усталик билан талқин қилинган. Айниқса унинг чақалоқни ўлимга маҳкум этиши, Ботирни қийнаб, сўроқ қилиши, қизил аскарлар отряди бошлиғи Ҳаким қўлига тушгач, «от, ўлдир» деб хитоб қилиши бу жаллоднинг нақадар йиртқич эканлигини яққол кўрсатиб беради. Машҳур киноактёр Р. Пирмуҳамедов бойларнинг малайи, маккор душман Икром образини моҳирона очиб берган. Лутфихоним Саримсоқова яратган бева аёл образи тамошабин хотиридан асло ўчмайди. У, «бир пиёла сув беринг, катта ариқ бораман, ғўзаларим қуриб қолаяпти» деб нолаю фиғон чекади, гоҳ телбалардек югуради, гоҳ Давронбекни мазах қилади.

Фильмда зўр маҳорат билан ўйнаган Ҳамза Умаров ҳақ йўл учун кураш ўтларида чиниққан Ботирнинг реалистик образини ярата олган. Унинг севгилиси Карима образи эса қобиличли артистка Р. Қодирова ижросида жозибали чиққан.

Фильмда оммавий саҳналар, Мирзачўл даштларидаги ҳаёт, саҳронинг уйғониши, жанг картиналари, ҳонавайрон бўлган қишлоқ деҳқонларининг кўчиши каби манзаралар усталик билан суратга олинган.

«Фарзандлар» фильми ўзбек кинематографиясининг кейинги йилларда эришган муҳим ижодий муваффақиятларидан деб ҳисоблаш керак.

М. ЯХЕЕВ,
А. ПУЛАТОВ.

Ватанпарвар ёшлар меҳнати тақдирланди

Қардош Қозоғистоннинг беҳоёт қўриқ ва бўз ерларида етиштирилаётган мўл ғалла ҳосилини йиғиб-териб олишда қатнашиш комсомол-ёшларнинг ватанпарварлик бурчига айланиб қолди. Республикамиз ёшлари, жумладан Тошкентдаги олий ўқув юртларининг студентлари ҳам ҳар йили ғалла ўримида қатнашиб, ажойиб меҳнат намуналарини кўрсатмоқдалар.

Яқинда «Қизил тонг» фабрикаси маданият саройида Тошкент қишлоқ хўжалик институти студентларининг кечаси ўтказилди. Кечада Акмолинск областида ғалла ўрим-йиғимида қатнашган студентлар тўпланишди. 50 дан ортиқ студентга «Қўриқ ва бўз ерларни ўзлаштиргани учун» медали топширилди. 150 га яқин комсомол-ёшга эса ВЛКСМ Марказий Комитетининг «Янги ерларни ўзлаштиргани учун» значоги ҳамда Қозоғистон ССР Акмолинск область партия комитети ва область ижроия комитетининг, институт дирекцияси, партия, касаба союз ташкилотларининг «Мақтов ёрлиқлари» ва қимматбаҳо буюмлар тақдим этилди.

Б. АЗИЗОВ.

Автобусда газеталар...

— Менга «Қизил Ўзбекистон»дан беринг.

— Марҳамат, — деди кондуктор Р. Ҳайитова ва йўловчига сўраган газетасини узатди.

— Йўловчилар зерикишмасин, деб газеталарни автобусга ҳам олиб чиқадиган бўлишибди-да, барака топкурлар, — дейди мамнун бўлиб бир кекса мўйсафид.

— Нимасини айтасиз, — отахон, янгиликлардан ўз вақтида хабардор бўлиш қандай яхши, — отанинг сўзини маъқуллади, — «Правда Востока» газетасининг янги сонини ўқиб ўтирган ёш йигит.

Тошкент — Янгийўл маршрути бўйича қатнайдиган пассажир автобусида йўловчиларга кундалик газеталар сотилмоқда. Автобусда кунига 50 дан ортиқ турли газета сотилади. Йўловчилар манзилга етгунча истаган газеталарининг янги сонини ўқиб борадилар.

А. ИНОҒОМОВ.

Кенса отахонлар

Пискент районида бир асрдан ортиқ умр кўраётган бир неча кенса отахонларимиз яшайдилар. Улар бахтиёр кексаликдан мамнунлар. Жданов номли колхозда яшовчи Тўрақул ота Пирматов ана шуларнинг биридир. Отанинг 50 га яқин невара, чевара ва эвараларн бор. Уларнинг ҳаммаси иш ва ўқиш билан банд.

«Пискент» совхозининг 2-бўлимида яшовчи Шамши ота Раимқуловнинг эса 35 невара-чевараси бор. Улар совхозда меҳнат қилмоқда.

Юздан ортиқ баҳорни кўрган бу нуроний мўйсафилларнинг соғлиқлари яхши, ўзларини бардам ҳис қилишади.

Т. ҚОСИМОВ.

Тошкент шаҳар Фрунзе районидаги 73-мактабда ўқувчиларга политехника таълимини ўргатиш намунали йўлга қўйилган. Мактаб устахонасида пармалаш, токарлик станоклари ва бошқа асбоб-ускуналар бор. Бу ерда 5-10 синф ўқувчиларига токарлик ва слесарлик ҳунарлари ўргатилади. Ҳозир кўпгина ўқувчилар станокда мустақил ишлашни ўрганиб олдилар. Суратда: 7-синф ўқувчиларидан (чапдан) Қодирова, Расулева ва Бадаловалар устахонада машғулот ўтказмоқдалар.

М. Устабобоев фотоси.

Болалар тарбияси масаласи ота-оналар муҳокамасида

Яқинда Ҳамза номли театр биносида Октябрь район партия комитетининг ташаббуси билан район маориф ходимлари билан ота-оналар йиғилиши ўтказилди.

Йиғилишда район партия комитетининг биринчи секретари ўртоқ Ш. Шоисломов «Мактабнинг турмуш билан боғланишини мустаҳкамлашда ота-оналарнинг роли» деган темада доклад қилди.

— 1958 йилда мактаблар ҳаётида муҳим давр бошланди. Коммунистик партия Марказий Комитети ва Совет ҳукумати мактабларни қайта қуриш ҳақида оқилона тадбирлар белгилади, деб сўз бошлади докладчи. Янги программа бўйича мактаблар корхоналарга бириктирилади ва мактаблар базасида бирлашган устахоналар ташкил этилади. Бу, ёшларни ҳунар эгалари қилиб етиштиришда катта ёрдам беради. 1958 йилда райондаги мактабларнинг устахоналарини асбоб-ускуналар билан таъминлаш учун бир миллион сўмдан ошиқ пул сарфланди. Бундан ташқари мактабларга «Таштрансмаш», шарикоподшипник заводлари ва бошқа корхоналар актив ёрдам бердилар.

Сўнгра ўртоқ Шоисломов болаларни ёшлигиданоқ меҳнатсевар, одобли қилиб тарбиялашда биринчи навбатда ота-оналарнинг роли катта эканлиги ва мактаб билан онлада болалар тарбиясини боғлаб олиб бориш зарурлиги, бунда ота-оналар комитети зиммасидаги вазифалар ҳақида тўхталди. Яхши ишлаётган 22, 90, 119- мактаблар ҳузуридаги ота-оналар комитетларининг ишини кўрсатиб ўтди. 19, 40, 129-мактаблар ҳузуридаги ота-онадар комитетларининг фаолиятсизлигини танқид қилди.

Сўзга чиққан 22, 95-мактаблар ҳузуридаги ота-оналар комитетларининг раислари Мираҳиммов, Холмуҳамедов ва 119-мактаб директори С. Сайдаҳмедов ўртоқлар ўз тажрибалари ва мактабларни қайта қуриш ҳақидаги оқилона Қонунни амалга ошириш йўлида бажаришлари лозим бўлган режалари ҳақида гапирдилар.

Ўртоқ С. Сайдаҳмедов Тошкент телевизион студияси томонидан болалар тарбиясига оид эшиттиришлар кам кўрсатилаётганлиги, уларнинг савияси паст эканлигини танқид қилди.

Йиғилиш қатнашчилари учун Октябрь район маданият уйи ва пионерлар уйи ҳаваскорлари ижросида концерт қўйиб берилди.

А. МИРЗААҲМЕДОВ.

ҲОДИСА

Йўлтўсар безорилар

Тошкент қишлоқ хўжалик институтининг студенти А. Исаев енгил автомашинани ўзи ҳайдаб, бўлажак қаллиғи Л. Я. Исмли қиз билан Тошкент районида яшовчи қариндошларникига етишаётган эди.

Машина Қорақамиш аригига етганда, тўсатдан 5 номаълум киши чиқиб, машинани тўхтатишади. Рулда ўтирган А. Исаевни ва Л.ни туширадилар. Шундан сўнг йўлтўсарларнинг иккиси Л.ни зўрлик билан ариқ бўйлаб олиб кетадилар. Қолган 3 безори эса Исаевни ура бошлайди. сўнг машинага ўтқазиб, «тез жўна» деб ҳайдайдилар. У кетишга мажбур бўлади.

Беш безори эса Л. Я.нинг номусига зўрлик билан тажовуз қиладилар ва унинг қўл соатини ҳамда эгнидаги кийимини ечиб олишади, уни шу ҳолда қолдириб ўзлари қочишади.

Милиция ходимларининг оператив ҳаракатлари туфайли жиноятчилар қўлга тушдилар. Бу йўлтўсарлар кимлар?

Булар ўрта мактабни тамомлаб, бирон фойдали меҳнат билан шуғулланмай ёки ўқимай юрган Боқи Шоев, Фаттоҳ Пўлатов, Турсун Йўлдошев, Тошкент қишлоқ хўжалигини механизациялаш техникумининг студенти Тоҳир Исломов ва Тошпўлат Ҳасановлардир. Буларнинг бешови ҳам комсомол аъзосидир. Терговда улар ўз қилмишларига иқрор бўлишди.

Йўлтўсар босқинчилар яқинда қилмишларига яраша жазоланадилар.

А. МИРПУЛАТОВ.

ФИЗКУЛЬТУРА ВА СПОРТ

ШАШКА

Тошкентда юз катакли шашка бўйича республика биринчилиги учун ўтказилган VI-чемпионат тамом бўлди. Мусобақада республиканинг турли область ва шаҳарларидан келган энг кучли 14 шашкачи қатнашди. Булар орасида шашка бўйича СССР спорт мастерлари Ш. Якубов, Л. Хейф ва бошқалар бор эди.

Кескин кураш остида ўтган бу мусобақада ёш шашкачилар муваффақият қозондилар. Мастерликка кандидат С. Гуляев ва Е. Александров 13 имкониятдан 10,5 тадан очко олиб юқори кўрсаткичларни қўлга киритдилар. Мастерликка кандидат В. Раппопорт 10 очко билан учинчи ўринни олди. М. Тарасуль 9,5 очко тўплади. Унга 4-ўрин берилди.

Шуни айтиш керакки, спорт мастери Ш. Якубов ўз имконияти даражасида яхши ўйнай олмади. У 13 имкониятдан атиги 7 очко тўплади.

1959 йилги шашка бўйича республика чемпиони номини олиш учун С. Гуляев ва Е. Александров ўртасида уларнинг ютуқ миқдорлари тенг бўлиб қолгани учун матч ўтказилади.

К. Ерниёзов.

ВОЛЕЙБОЛ

Эркак ва хотин-қиз командалари ўртасида волейбол бўйича олий ўқув юртлари биринчилиги учун ўтказилган мусобақа якунланди. Энг кучли волейболчилар қатнашган ва икки ҳафта давом этган бу мусобақада Ўрта Осиё давлат университети эркаклар командаси команда ҳисобида 1-ўринни эгаллади.

Хотин-қизлар ўртасида физкультура институти хотин-қиз волейбол командаси ғолиб чиқди. 2-ўринни «Таштекстильмаш» заводи хотин-қизлари эгалладилар. Педагогика институти хотин-қиз волейбол командаси 3-ўринни олди.

Л. Пьянцев.

БАСКЕТБОЛ

Оҳангарон шаҳрида баскетбол бўйича Тошкент области қишки биринчилиги учун мусобақа бўлиб ўтди. Унда областимизнинг энг кучли 6 командаси қатнашди.

Чирчиқ терма баскетболчилар командаси уюшқоқлик билан ўйнаб, 1-ўринни қўлга киритдилар. Шунингдек, хотин-қиз баскетболчилар командаси ҳам хотин-қизлар командалари ўртасида биринчиликни олди.

Т. Сихарулидзе.

Телевизор экранида

20 ФЕВРАЛДА

19.30. Саноат ходимлари учун рус тилида эшиттириш

19.45. Киножурнал.

19.55. Москвада бўлаётган ўзбек адабиёти ва санъати декадасига бағишланган адабий-драматик эшиттириш. Саида Зуннунованинг «Янги директор» повести асосида телеинсценировка. (Ўзбек тилида).

20.20 Сўнгги ахборот.

20.40. Урал халқ хорининг концерти.

21.20. Ҳужжатли фильм — «Вьетнам этюди».

21.30. Бадиий фильм — «Икки жангчи».

(«Тошкент ҳақиқати»нинг навбатдаги сони 22 февралда чиқади).

Редактор З. ЕСЕНБОЕВ.

ТОШКЕНТНИНГ тамоша залларида

«ИСКРА», «ЭШ ГВАРДИЯ», «ЎЗБЕКИСТОН» — кундуз ва кечқурун янги киноповесть **Солдат қалби.**

ДАВЛАТ ЦИРКИДА
Бугун
РСФСРда хизмат кўрсатган артист
Ирина Бугримова
қўл остида янги аттракцион
„ЎН АРСЛОН“
ва 3 бўлимда цирк тамошалари.
Тамоша кеч соат 8 да бошланади.

Ўзбекистон КП Марказий Комитетининг
ойлик назарий ва сиёсий
„Ўзбекистон коммунисти“
ЖУРНАЛИГА
1959 йил учун
ОБУНА ҚИЛИШ ДАВОМ ЭТМОҚДА
Журналла КПСС тарихи янги китобидан боблар босилмоқда.
Обуна баҳоси: март ойидан йил охиригача — 20 сўм, айрим сони — 2 сўм.
Обуна «Союзпечать» бўлимларида, алоқа бўлимлари ва агентликларида, шунингдек жамоатчи вакиллар томонидан қабул қилинади.
Бирлашган нашриёт.

Сталин номли Меҳнат Қизил Байроқ орденли
ТОШКЕНТ ТЎҚИМАЧИЛИК КОМБИНАТИНИНГ
ФЗУ МАКТАБИ
тўқувчи ва йигирувчи касбларига ўргатиш учун
7 ва 10 синф ҳажмида маълумотли, 17 ва ундан ошиқ ёшдаги қизларни
ўзбек ва рус группаларига
қабул қилади
Ўқиш мудлати — бир йил.
Қабул қилинганлар стипендия билан, ҳалол бўлган жангчиларнинг, Ватан уруши инвалидларининг болалари ва ота-онасиз етимлар овқат ва кийим билан ҳам таъминланади. Ётоқ билан таъмин қилинмайди.
Мактабга умумий тартибда қабул қилинади.
Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳар, Академическая кўча, 5-уй (9 ва 11-трамвайнинг «Б. Хмельницкий» остановкаси).

Отчопар кўча, 31-уйда турувчи **Иброҳим Жўраевнинг** Жар кўча, 9-тупик, 21-уйда турувчи Маҳмуда Жўраевадан ажралиш ҳақидаги иши Тошкент шаҳар, Октябрь район, 8-участка халқ судида кўрилади.

РЕДАКЦИЯ ВА НАШРИЯТ АДРЕСИ: Тошкент, «Правда Востока» кўчаси № 34. РЕДАКЦИЯ БЎЛИМЛАРИНИНГ ТЕЛЕФОНЛАРИ: коммутатор — 26334 ва 33262 орқали Партия турмуши бўлими — 140. Пропаганда бўлими — 34808. 136. Совет қурилиши бўлими 136 Маданият бўлими — 132. Адабиёт ва санъат бўлими — 29040, 135. Қишлоқ хўжалик бўлими — 29040, 135. Саноат ва транспорт бўлими — 34048, 132. Хатлар бўлими — 34048, 156. Маҳаллий ахборот бўлими — 132. Секретариат — 29040, Эълонлар бўлими — 28142.

«Қизил Ўзбекистон», «Правда Востока» ва «Ўзбекистон сурх» бирлашган нашриётининг босмахонаси. Б-1536.